

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

**ZIGMUND FREYD**  
(1856-1939)

Mening dunyom befarqlik  
ummonida suzib yuruvchi  
kichik og'riq oroli!

# 2022

## MAY

## №40



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

[www.taqqiqot.uz](http://www.taqqiqot.uz)

[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
3-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-3**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-3**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 40-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 май 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 43 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев**

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

|                                                                                                                                                                                                                |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>1. Ubaydullaeva Shaхло Abdullaevna</b><br>МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПЕДИАТРИЯ СОҲАСИ ВА ФАНИНИ<br>РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ .....                                                                   | 7  |
| <b>2. Abdullayeva Shabona</b><br>VARSHAVA SHARTNOMASI MAZMUNI: SABOQ VA XULOSA.....                                                                                                                            | 9  |
| <b>3. Norpo'latova Gulnoza Shukrullo qizi</b><br>TARIX FANINI O'ZLASHTIRISHDA TO'GARAK MASHG'ULOTLARINING O'RNI.....                                                                                           | 11 |
| <b>4. Tillayev Dilmurod Ollaberganovich</b><br>O'QUVCHI YOSHLARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI SHAKLLANTIRISHDA<br>TARIX FANINING ROLI.....                                                                       | 13 |
| <b>5. Абдурахманова Жуммагул Номазовна, Мисабоева Моҳинура Бахтиёровна</b><br>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАР ТАРИХИ (РУС ДИАСПОРА-<br>СИ МИСОЛИДА) .....                                              | 14 |
| <b>6. Abdullayev Fazliddinman</b><br>ИМОМ МУҲАММАД АЛ-ЖАЗАРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ. ....                                                                                                                      | 16 |
| <b>7. Қутлымуратов Русланбек Бахтиярович</b><br>ҚУБЛА АРАЛБОЙЫ ХАЛЫҚЛАРЫНЫҢ АНТИК ҲӘМ ОРТА ӘСИРЛЕР<br>ТОҚЫМАШЫЛЫҚ ӨНЕРМЕНТШИЛИГИ .....                                                                         | 20 |
| <b>8. Abdullayev Fazliddinman</b><br>РАСМУЛ-МУСҲАФ ИЛМИНИНГ АСОСИ, КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА<br>ШАКЛЛАНИШИ:.....                                                                                           | 24 |
| <b>9. Avazboyeva Ozoda</b><br>TURKISTONDAGI MUSTAMLA KACHILIKNI MADANIYATGA TA'SIRI .....                                                                                                                      | 30 |
| <b>10. Habibiddinov Boburshoh Abduvali o'g'li</b><br>MUHAMMAD ZOHID AL-KAVSARIY HAYOTI VA IJODI .....                                                                                                          | 32 |
| <b>11. Yakubova Sarvinoz Baxtiyorjonovna</b><br>INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB TARIX<br>DARSLARINI SAMARALI TASHKIL QILISH .....                                                          | 33 |
| <b>12. Bozorova Baxora Sayfulloyevna</b><br>TARIX DARSLARIDA O'QUVCHILARGA TURKISTONDAGI MILLIY-OZODLIK<br>HARAKATINING BOSHLANISHI, UNING SABABLARI MAVZUSINI O'RGATISH<br>YUZASIDAN USLUBIY TAVSIYALAR ..... | 35 |
| <b>13. Hamroyeva Umida</b><br>TARIX DARSLARIDA JADIDCHILIK VA JADIDLARNING ILM-FAN YO'LIDAGI<br>HARAKATLARINI O'RGANISH MAVZUSI YUZASIDAN USLUBIY TAVSIYALAR .....                                             | 37 |
| <b>14. Musayeva Gulmira Ulugbekovna</b><br>MAMLAKATIMIZDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT SOHASIDA ISLOHATLAR .....                                                                                                  | 39 |
| <b>15. Anvarjonov Avazbek Qudratilla o'g'li</b><br>MARKAZIY OSIYOGA TASAVVUF TA'LIMOTINING VUJUDGA KELISHI VA<br>TARQALISHI.....                                                                               | 41 |



## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

### МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ПЕДИАТРИЯ СОҲАСИ ВА ФАНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ

**Убайдуллаева Шахло Абдуллаевна,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти  
Ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси  
телефон: 91-9474733

**Аннотация:** Мақолада Болаларни даволаш ва педиатрия фанини йўлга қўйишда хотин-қизларнинг ўрни масалалари ёритилган. Шунингдек, педиатрия соҳаси ва фани ривожига катта ҳисса қўшган таниқли олималар, амалиёт шифокорларининг фаолияти таҳлил этилган. Ўзбекистонда педиатрия соҳасида тиббий кадрлар салоҳияти динамикаси келтирилган.

**Калит сўзлар:** Педиатрия, статистика қўмитаси, шифокор олималар, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Роза Джубатова, Ақида Муродхўжаева, болалар касаллиги, перинатал маркази, эрта ташхис.

Тарихдан маълумки оилада ва болалар тарбияси ҳамда уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишда аёллар ҳал қилувчи ўринда турган. Шу боис, жаҳонда болалар шифокорларининг аксарияти хотин-қизлардан иборат. Болалар касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, касалликнинг ривожланиш механизми, боланинг жисмоний ҳолатида касалликларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усуллари аёллар томонидан она сифатида ҳам кучли аниқланган. Олимлар фикрича, болалар организми катталар организмидан ҳажми жиҳатидан эмас, балки ўз хусусиятлари билан мураккаб фарқ қилиши кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда педиатрия соҳасини йўлга қўйиш ва ривожлантириш тадбирлари масаласига мустақиллик йилларида жиддий эътибор қаратилиб, бу жараёнда хотин-қиз тиббиёт ходимлари марказий ўринлардан бирини эгаллади. Хусусан, соғлом авлод тарбияси, перинатал марказлари ва уларнинг ногирон болалар туғилишини олдини олиш борасидаги ҳаракатида, чақалоқларни даволаш ва парваришlashда, педиатрия соҳасидаги тадқиқот ишларида хотин-қиз шифокорлар муҳим ўринда турди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб болалар саломатлигини муҳофаза этиш, педиатрия соҳасини давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиландики, бунинг замирида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг муваффақияти даражасини оширишдек улуғвор мақсадлар қўйилди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида педиатрия соҳасида фаолият олиб борадиган мутахассислар йиллар нисбатида анча ўзгарувчанлиги аниқланди [1]. Жумладан, Давлат статистика қўмитаси маълумотида кўра, улар сони 2007 йили 10,5 минг нафарни, 2010 йили 9,7 минг нафарни, 2012 йили 8,8 минг нафарни, 2015 йили 7 минг нафарни, 2016 йилда 6,5 минг нафарни, 2019 йилда 6,1 минг нафарни ташкил этди. Демак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда педиатрлар сони йилдан-йилга кўпайиши эмас, пасайиши кўрсатади. Ҳолбуки, Республикада болалар сони йилдан-йилга ортиб борди. Масалан, 1995 йили Ўзбекистон аҳолиси 22 млндан зиёд бўлиб, шундан 9 млн.ни 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этди. 2017 йили ҳам бу рақам деярли ўзгаришсиз қолди. Яъни Республика аҳолиси шу йили 32 млн.дан зиёд бўлиб, болалар сони 9 млн.атрофида бўлди. Ўзбекистон аҳолисининг 10 миллионга яқинини 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этди [2].

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хотин-қизларнинг меҳнат фаолияти бевосита аҳоли ижтимоий ҳаётида аёлларнинг роль катта эканлигини кўрсатди. Бунда айниқса педиатрия фанига салмоқли ҳисса қўшган, хусусан фаннинг перинатал даврдаги касалланиш ҳолатларини, чақалоқлар касалликларини сабаблари, эрта ташхиси, даволашнинг самарали



усулларини илмий-амалий қўллайдиган педиатр шифокорлар етишиб чикди [3]. Бу борада Ўзбекистонда Умарова Зухра Султановна, Сайёра Алтибаева, Роза Джубатова, Ахмедова Дилором Ильхамовна, Ақида Муродхўжаева, Махаммаджонова Мухтабар Ортиқовна каби олималарнинг хиссаси катта бўлди. Ўзбекистонда педиатр шифокор олималардан Ольга Самойлова, Гулнора Юсупалиева, Лола Алимова, Элмира Шомансурова, Назифа Агзамова, Лобар Расулова, Васида Абдуллаева, Фотима Тошпўлатова, Гулчехра Содикова, Мадина Шарипова, Марғуба Расулова, Шахноза Зуфарова, Шахноза Искандарова кабилар болалар ўртасида учрайдиган турли касалликларни келиб чиқиш сабаблари ва уларни олдини олиш, даволаш бўйича изланишлар олиб бориб [4], амалий жиҳатдан муайян натижаларга эришди.

Хуллас, болаларни даволаш ишида аёллар асосий ўринни эгаллаб келди. Шу боис педиатрларнинг аксарияти ҳам хотин-қизлардан иборат бўлди. Аёл педиатрлар болаларни даволашга она сифатида ўз тажрибаларидан келиб чиқиб ёндашишлари уларнинг соҳада катта ютуқларга эришишларига асос бўлди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тадбирлари ва педиатрия фанини ривожлантиришда Тошкент давлат педиатрия институти олималар муҳим роль ўйнади. Улар доимий равишда халқаро симпозиум, илмий конференцияларда педиатрия фаннинг долзарб муаммолари бўйича маърузалар билан чиқиш қилди. Хотин-қиз тиббиёт ходимлари нафақат педиатрия фани, балки амалий ишларда ҳам ўзларини кўрсатиб борди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти жорий архиви. 2009 материаллари асосида.
2. Миразимов Д.Б. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш: асосий йўналишлар ва босқичлар // Соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш, 2010 йил 3-4 сон.
3. Муҳаммадиева М. Оналик бахт, шодлик, улуғ мартаба... // Сихат-саломатлик, 2019 йил 8-сон.
4. Тошкент педиатрия тиббиёт институти 40 йил. Нашрга тайёрловчилар: Б.Даминов, Э.Турсунов. Тошкент: «GEOFAN-POLIGRAF», 2012. –Б. 136.



## VARSHAVA SHARTNOMASI MAZMUNI: SABOQ VA XULOSA

**Abdullayeva Shabona,**  
O‘zMU magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Varshava shartnomasi mazmuni, yo‘l qo‘yilgan xatolar, ishtirokchi davrlar, tugatilish sabablari haqida ma‘lumot berilgan, uning bugungi kundagi ahamiyati yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** Varshava, Varshava shartnomasi, BMT, xavfsizlik, global xavfsizlik, teng huquqli, himoya, bosim, remilitarizatsiya qilish, anneksiya, qurol tahdidi, sotsialistik lager.

**Аннотация:** В этой статье представлена информация о содержании Варшавского договора, допущенных ошибках, государствах-участниках, причинах его прекращения и его актуальном значении.

**Ключевые слова:** Варшава, Варшавский договор, ООН, безопасность, глобальная безопасность, равенство, защита, репрессии, ремилитаризация, аннексия, угроза вооружения, социалистический лагерь.

**Annotation:** This article provides information on the content of the Warsaw Pact, the mistakes made, the participating states, the reasons for its termination, and its current significance.

**Keywords:** Warsaw, Warsaw Pact, UN, security, global security, equality, protection, repression, remilitarization, annexation, arms threat, socialist camp

Tarix fani yoshlarga xalqlarning o‘tmishi haqida bilim berish bilan chegaralanib qolmaydi, u yoshlarni vatanparvar, ma‘naviy jihatdan komil fuqaro etib shakllantirishga xizmat qiladi. Vatanimiz tarixi «Har bir fuqaroni, jumladan, yoshlarimizni boy madaniy merosimizni qadrlashga, uni ko‘z qorachig‘iday avaylab-asrashga, yurak-yurakdan iftixor qilishga o‘rgatadi. O‘zimizning boy o‘tmish merosimizdan madad va ibrat olishga imkon beradi. Odamlar qalbida ezgulik tuyg‘ularini uyg‘otib, bugungi avlod kimlarning avlodi, kimlarning zoti va vorislari ekanini anglashga undaydi». Mustaqillik qo‘lga kiritilgach, Vatanimiz tarixida burilish pallasi, ma‘muriy-buyruqbozlik boshqaruviga asoslangan totalitar tuzimdan erkin, demokratik tuzumga o‘tish davri boshlandi. O‘tish davrida eski ideallar, g‘oyalar, odatdagi tafakkur va axloq me‘yorlari buziladi, milliy qadriyatlar qayta baholanadi, muqobil nuqtayi nazarlar paydo bo‘ladi, allaqachon unutilgan qarashlar qayta uyg‘onadi, ziddiyatlar keskinlashadi. Vujudga kelgan murakkab sharoitda «birovlar tarixning borishini bilish mumkin emas», deb talvasaga tushsa, boshqalar eskirgan, rad etilgan «haqiqat»ga yopishib olib, tarixg‘ildiragini orqaga qaytarishni orzu qiladi, urinadi. Tarixiy tajriba va saboqlar esa dunyoda nimalar o‘zgardi, nima uchun o‘zgardi, qanday qarashlardan tezroq xalos bo‘lish kerak degan savollarga javob topishga, yangi jamiyat qurishning muqobil yo‘llarini mushohada qilib, eng to‘g‘risini topishga, xatoga yo‘l qo‘ymaslikka undaydi. Bunda tarix to‘g‘ri yo‘lni ko‘rsatuvchi kompas bo‘lib xizmat qiladi. Ayniqsa, jahon tarixida ham bu omil juda katta ahamiyatga ega. Mavjud hujjatlar, tashkilotlar haqida so‘z borganda ularni ahamiyatini to‘g‘ri tushunish va xolis yondashuv talab etiladi. Jahon tarixida katta ahamiyatga ega bo‘lgan Varshava shartnomasini o‘rganish, muhim saboq chiqarish dolzarb mavzulardan biri.

Varshava shartnomasi — sobiq sotsialistik lager davlatlari — Albaniya, Bolgariya, Vengriya, Germaniya Demokratik Respublikasi, Ruminiya, sobiq SSSR va Chexoslovakiya o‘rtasida 1955-yil 14 mayda Varshavada Shimoliy Atlantika pakti (NATO)ga qarshi tuzilgan harbiy ittifoq. Varshava shartnomasi o‘z ustavida BMT Ustavining 51-moddasiga muvofiq, yakka va jamoa bo‘lib, o‘z-o‘zini himoya etish to‘g‘risidagi qoidaga asoslanib, Varshava shartnomasiga a‘zo davlatlar o‘rtasida do‘stlik, hamkorlik va o‘zaro yordam ko‘rsatishni ko‘zda tutgan bo‘lsada, aslida sotsialistik tuzumga xizmat qildi, xalqlar va millatlarning o‘z takdirlarini o‘zlari belgilash to‘g‘risidagi xalqaro huquq qoidasini qo‘pol ravishda buzdi. Bu Vengriya (1956-yil), Chexoslovakiyadagi (1968-yil) qonli voqealarda yaqqol ko‘zga tashlandi. Shu bilan bir qatorda Varshava shartnomasiga „a‘zo-davlatlar teng huquqli bo‘lib, bir-birlarining ichki ishlariga mutlaqo aralashmaydi“, degan qoidaga ham rioya etilmadi. Shu bois ham 1991-yil 1-iyulda Varshava shartnomasiga a‘zo-davlatlar — Bolgariya, Vengriya, Polsha, Ruminiya, SSSR, Chexoslovakiya (Varshava shartnomasidan 1968-yil — Albaniya, 1990-yil — GDR chiqqan edi) ishtirokida Pragada Siyosiy maslahat komitetining kengashida Varshava shartnomasini tugatish haqidagi bayonnoma imzolandi va tashkilot tugatildi. Uni tuzish zarurati Parij kelishuvlari qarorlari bilan Evropada tinchlikka tahdid solganligi sababli



yuzaga keldi. Ular G'arbiy Evropa Ittifoqini shakllantirish, NATOga qo'shilish va G'arbiy Germaniyani remilitarizatsiya qilish (qurollarni tiklash) ni nazarda tutgan.

Varshava shartnomasi faqat mudofaa xarakteriga ega edi. Uning imzolanishidan maqsad unda ishtirok etuvchi mamlakatlar xavfsizligini ta'minlash va Yevropada tinchlikni saqlash bo'yicha muayyan chora-tadbirlar ko'rish edi.

Varshava shartnomasi 11 ta modda va muqaddimadan iborat. Uning shartlari va Birlashgan Millatlar Tashkiloti Nizomi asosida uning ishtirokchilari boshqa davlatlar bilan munosabatlarida kuch ishlatish bilan tahdid qilish yoki qo'llashdan tiyilish majburiyatlarini o'z zimmlariga oldilar. Bundan tashqari, u hujumga uchragan mamlakatlarga o'zaro yordam ko'rsatdi. Varshava shartnomasi davlatlarni barcha zarur vositalar, shu jumladan qurol bilan to'liq va zudlik bilan qo'llab-quvvatlashga majbur qildi.

Imzolovchi davlatlarning xalqaro xarakterdagi muhim masalalar va mamlakatlar manfaatlarini mushtarakligi yuzasidan o'zaro maslahatlashuvlari ham ko'zda tutilgan. Ushbu maslahatlashuvlarni o'tkazish uchun PAC (Siyosiy maslahat qo'mitasi) tashkil etildi.

Varshava Shartnomasi Tashkilotining tashkil etilishi imzolagan mamlakatlarni hamkorlik va do'stlik ruhida harakat qilishga majbur qildi. Shunday qilib, ishtirokchi davlatlar o'rtasidagi madaniy va iqtisodiy aloqalarni yanada mustahkamlash va rivojlantirishni ta'minlash kerak edi. Shu bilan birga, boshqa davlatlar ichidagi ishlarga aralashmaslik, suverenitet va mustaqillikni o'zaro hurmat qilish tamoyillariga rioya qilish zaruriy shart edi.

Shartnoma yigirma yil muddatga amal qiladi. Polsha hukumatiga denonsatsiya (tugatish) to'g'risidagi arizani ko'rib chiqish muddati tugashidan bir yil oldin taqdim etmagan davlatlar uchun o'n yilga avtomatik ravishda uzaytirish ko'zda tutilgan. Har qanday davlat Varshava shartnomasini davlat va ijtimoiy tuzumidan qat'i nazar, imzolashi mumkin edi. Evropada umumiy xavfsizlik tizimini yaratish va umumevropa bitimi tuzilgan taqdirda Polsha kelishuvi o'z kuchini yo'qotadi deb taxmin qilingan edi.

Mumkin bo'lgan hujumdan eng samarali himoyani ta'minlash uchun Birlashgan Qurolli Kuchlar Qo'shma qo'mondonligi yaratilgan. Kollektiv qo'mondonlik va shtab-kvartira qurolli kuchlarning o'zaro hamkorligini va Varshavadagi kelishuvga qatnashuvchi davlatlarning mudofaa qobiliyatini mustahkamlashga yordam berishi kerak. Shu maqsadda shartnoma imzolagan barcha davlatlar hududida qo'shma harbiy va qo'mondonlik-shtab qo'shinlarining manevrlari hamda mashg'ulotlari o'tkazildi. Biroq, Polsha shartnomasida ishtirok etuvchi davlatlarning asosiy pozitsiyasi Evropada tinch munosabatlarni rivojlantirish va xavfsizlikni mustahkamlashga qaratilgan.

1960 yilda Moskvada bo'lib o'tgan yig'ilishda Sovet Ittifoqi hukumatining yadroviy sinovlardan bir tomonlama voz kechish to'g'risidagi qarorini ma'qullagan Deklaratsiya qabul qilindi. Shu bilan birga, G'arb davlatlari tomonidan yadro portlashlarini qayta boshlamaslik uchun barcha shartlar bajarilishi kerak edi. Shu bilan birga, SSSRning ittifoqchi davlatlari har qanday yadroviy sinovlarni to'xtatish to'g'risidagi bitimni ishlab chiqishni yakunlash uchun qulay shart-sharoitlarni ta'minlashga chaqirdilar.

Shartnomada ishtirok etuvchi davlatlar tomonidan ilgari surilgan takliflar va ularning faoliyati Yevropa davlatlarining diqqat markazida bo'lib, Yevropa hududida haqiqiy tinchlikparvarlik va xavfsizlik va tinchlikni saqlash istagidan dalolat beradi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Mirziyoyev Sh. M. "Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz". "O'zbekiston". NMIU, -2017. –B.490.
2. O'zbekiston respublikasi davlat xavfsizlik xizmati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni. <https://www.lex.uz/docs/-3610935>
3. Bobokulov I. I., Umarov X. P. Xavfsizlik asoslari. O'quv qo'llanmasi. – T.: JIDU, 2010. – B.179.



## TARIX FANINI O'ZLASHTIRISHDA TO'GARAK MASHG'ULOTLARINING O'RNI

**Norpo'latova Gulnoza Shukrullo qizi**

Buxoro viloyati G'ijduvon tumani

46-umumiy o'rta ta'lim maktabi

Tarix fani o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'quvchi yoshlarning tarix fanini o'zlashtirishida to'garak mashg'ulotlarining o'rni, to'garak mashg'ulotlarini tashkil qilish masalalari xususida mulohazalar yuritilgan.

**Kalit so'zlar:** Tarixiy, ijtimoiy, hayot taraqqiyoti, jamiyatning rivojlanishi, fan va texnika yutuqlari.

**Fan-tarixiy** ijtimoiy hayot taraqqiyoti jarayonida insonning tabiat, jamiyat va tafakkur haqida to'plagan bilim hamda tajribalari yig'indisidir. Fanning asosiy maqsadi hayotda yuz beradigan voqea-hodisalarning qonuniy sabablarini ochib, ularni to'g'ri tushuntirib berish orqali insonlarda tafakkur qudratini shakllantirishdan iboratdir. Shuning uchun ham ta'lim muassasalarida o'qitiladigan barcha fanlarning asosiy maqsadi va mohiyati o'quvchilarda muayyan sohalarga oid bilimlarning asoslarini shakllantirish, shular negizida ularning boy ma'naviy olamini shakllantirishga qaratilgan.

Shunday maqsadda boshqa fanlar qatorida umumta'lim maktablarida tarix fani 5- sinfdan boshlab o'qitiladi. Biroq ortda qolgan davr, orttirilgan tajriba shuni ko'rsatmoqdaki, bu fanlarni o'qitishda yetarlicha muammolar yig'ilib qolgan.

Bugungi kunda jamiyatimiz uchun har tomonlama rivojlangan, fan-texnika yutuqlarini hayotga tatbiq eta oladigan yetuk kasb egalarini tayyorlash masalasi turibdi. Bu masalani hal etishda to'garakni tashkil etishning o'rni katta.

To'garak ishlarini tashkil etish, bo'lajak to'garak tashkilotchisiga o'quvchilarning bo'sh vaqtlarini to'g'ri tashkil etish, ularga qo'shimcha ta'lim tarbiya hamda tanlagan to'garak yo'nalishi bo'yicha boshlang'ich kasb-hunar to'g'risida tushuncha berish, ko'nikma hosil qilishni o'rgatishdan iborat.

**O'qituvchilar quyidagi ko'nikmalarga ega bo'lishlari kerak:**

- to'garakka o'quvchilarni jalb qila olishni;
- o'quvchilarning ehtiyoj va qiziqishlarini qondirish;
- o'quvchilarni manbalar ustida mustaqil ishlashga o'rgatish;
- har tomonlama rivojlangan ijodiy shaxsni shakllantirish maqsadida davlat siyosatini amalga oshirish;

- o'quvchilar bo'sh vaqtini to'g'ri tashkil etish;

- o'quvchilarning ta'lim olishi, kasb o'rganishi, sog'lig'i va dam olishi uchun sharoit yaratish;

Umumta'lim maktablarida tashkil etiladigan yozgi oromgohlarda o'tkaziladigan to'garak mashg'ulotlari o'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatini keng namoyon etish imkoniyatini yaratadi.

Ushbu to'garaklar o'quvchilarda tashabbuskorlikni, mustaqil ishlay olishni va ijodkorlik qobiliyatini o'stirishga yordam beradi.

O'quvchi to'garakda o'z qiziqishi va istagiga ko'ra biror bir narsani o'rganar ekan, to'garak rahbari uni rag'batlantirib turishi va to'g'ri ko'rsatma berib borishi lozim.



Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, maktabda tashkil etilgan bunday to'garaklar o'quvchilar qalbida Vatanimizning fan , texnika sohasida erishgan yutuqlaridan faxrlanish hissini uyg'otadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilingan kunning 25- yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasidan.- T.: 2017



## O‘QUVCHI YOSHLARDA VATANPARVARLIK TUYG‘USINI SHAKLLANTIRISHDA TARIX FANINING ROLI

**Tillayev Dilmurod Ollaberganovich**  
Urganch davlat Universiteti akademik  
litseyi tarix fani o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada o‘quvchi yoshlarda vatanparvarlik tuyg‘usini shakllantirishda tarix fanining roli haqida fikr mulohazalar bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** tarix, komil inson, milliy g‘urur, vatanparvarlik, istiqlool, xalq, fan.

Komil inson tarbiyasi hamma davr va zamonlar uchun dolzarb masala hisoblanadi. Komil inson har har taraflama yetuk, mukammal shaxs bo‘lib, bunday shaxslarning jamiyatda ko‘pligi shu jamiyatning rivojlanishi, o‘sishi muqarrar ekanligini anglatadi.

Buyuk adib Abdulla Avloniy fikriga ko‘ra, odam tug‘ilishida yomon xulq bilan tug‘ilmaydi. Balki jamiyat va yashayotgan muhit uning xulqida aks etib boradi. Inson atrofdagi kishilar bilan bo‘ladigan muloqoti, munosabati natijasida shakllanadi, o‘sadi. Bu jarayonga shu millat tarixi, urf odatlari, an‘analari va turmush tarzi o‘zining hissasini qo‘shadi.

Mustaqillik sharofati bilan xalqimizning bir necha ming yillik tarixi haqqoniy o‘rganila boshlandi. Bir zamonlar rus “daholari” aytganidek biz qoloq, madaniyatsiz, bosqinchi sart emasligimizni jahonga ko‘rsata oldik. Tariximiz keng jahonga yuz tutdi. Ajdodlarimizning ulug‘ nomlari oqlandi, me‘moriy obidalarimiz butun dunyo sayyohlarini o‘ziga jalb etadigan darajada obodonlashtirildi, xalqimizning boshiga tushgan mash‘um kunlarda vatanni, istiqloolni kuylagani uchun yomonotliq bo‘lgan, xalq dushmaniga aylangan ziyolilarimiz nomlari oqlandi. Vaqt chig‘irig‘idan o‘tgan, asrlar davomida sayqal topib borgan asl sharqona urf-odatlarimiz, umrqbog‘iy go‘zal an‘analarimiz yana hayotimizga ko‘rk va chiroy bag‘ishlamoqda. Birinchi prezidentimiz I.A.Karimov aytganlaridek, “Vatan, millat taqdiri hal bo‘ladigan qaltis vaziyatlarda to‘g‘ri yo‘l tanlay olish uchun avvalo tarixni va hayotning achchiq-chuchugini bilish kerak ekan. Tarix insonning ko‘zini ochar ekan. Shunda ko‘p xatolarning oldini olish mumkin bo‘lar ekan”.

Jahon sivilizatsiyasida o‘z o‘rniga ega buyuk va boy tariximizni navqiron, yosh farzandlarimizga aslicha, haqqoniy tarzda yetkazib berish, ular qalbiga, ong-u shuuriga o‘tmishimizdan g‘ururlanish, uni ko‘z qorachig‘idek asrashni o‘rgatish tarix fani oldidagi asosiy vazifalardan biridir. Ayniqsa bu globallashuv sharoitida har doimgidanda muhim. Chunki globallashuv sharoitida yot va buzg‘unchi g‘oyalar o‘quvchilar ongi, qalbini egallab olmasligi uchun kurashmog‘imiz kerak. Jamiyatda kim bo‘lishidan, qaysi kasbni egallashidan qat‘iy nazar tarixiy xotirasi bor inson – irodali insondir. Bunday insonni yo‘ldan urish, har xil aqidalar ta‘siriga olish mumkin emas. Zero birinchi prezidentimiz ta‘kidlaganlaridek, mafkuraviy poligonlar yadro poligonlaridan ko‘ra xavliroqdir.

Umumiy o‘rta ta‘limdagi barcha fan sohalaridan farqli o‘laroq, tarix fanining o‘quvchilar tarbiyasidagi o‘rni juda muhim. Tarix darsliklariga e‘tibor berilsa, dastlab o‘quvchilarga Shiroq, Spitamen va To‘maris jasoratining o‘qitilishi bejiz emas. Bu orqali o‘quvchilarda vatanparvarlik tuyg‘usi shakllantirib boriladi. 2700 yillik tarixga ega “Avesto” kitobida ham komil insonni tarbiyalash yetakchi g‘oya hisoblanadi.

Keyingi bosqich tarix darsliklarida Muqanna, Najmiddin Kubro, Jaloliddin Manguberdi, Po‘latxon, Muhammadali Eshon kabi chinakam milliy qahramonlarimizni ayniqsa, o‘zimiz yashab turgan mahalla yoki tumanda yashab o‘tgan ana shunday istiqlolchilarni o‘quvchilarga namuna qilib ko‘rsatish orqali ularga buyuk insoniy fazilatlarini singdirib boramiz. Mana shunday vatanparvar bobolarimiz nomlarini tarix sahifalariga zarhal harflar bilan yozmoq va buni kelajak avlodga yetkazmoq, bundan to‘g‘ri xulosa chiqarmoqni o‘quvchilarning ongiga singdirmoq biz tarixchilarning zimmasidagi ulkan vazifadir.

Modomiki tariximizning har qanday ziddiyatli, murakkab davrlarida ham dunyoga mashhur ilmu urfon vakillari, dunyoni tiz cho‘ktirgan jahongirlar o‘zlari o‘lsada, qalbida vatan ishq o‘lmagan botirlar yetishib chiqqan ekan, demak mustaqillik sharofati tufayli hali bu yurt Xorazmiylar, Beruniylar, Ibn Sinolar yetishib chiqib, Vatanimiz dovruq‘ini dunyolarga taratgay. Zero o‘zlikni anglash tarixni bilishdan boshlanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. I.A.Karimov Tarixiy xotirasiz kelajak yo‘q. – T.: Sharq, 1998
2. OAV va Internet materiallari.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ КАМ СОНЛИ МИЛЛАТЛАР ТАРИХИ (РУС  
ДИАСПОРАСИ МИСОЛИДА)

**Абдурахманова Жуммагул Номазовна**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат  
педагогика институти доценти

**Мисабоева Мохинура Бахтиёровна**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат  
педагогика институти талабаси  
+998 99 303 07 87

**Аннотация:** Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг асосий тараққиёт хусусиятларидан бири бўлган миллатлараро тотувликлик еканлиги, Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшашининг тарихий ва сиёсий жиҳатлари ёритилган

**Калит сўзлар:** Миллат, демография, бағрикенглик, диаспора, ўзбеклар, руслар, ассимиляция, аҳоли, статистика.

Ўзбекистон кўп миллатли давлатлар сирасига киради. Ватанимиз ҳудудида бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил яшайди. Республикамиздаги турли миллат ва элатларнинг миллий анъана, қадриятларини асраб-авайлаш, уларни янада ривожлантириш, бойитиш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8-моддасида “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”[1] деб белгилаб қўйилгандир. Конституциянинг 18-моддасида эса “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдир”[2] дейилган. Асосий қонунимизда ушбу ҳуқуқнинг акс эттирилиши мамлакатимизда яшаб келаётган турли миллатга мансуб инсонларнинг виждон ва эътиқод эркинлигининг таъминланиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Диаспоралар аҳолининг мажбурий ёки ихтиёрий равишда кўчиб кетиши натижасида вужудга келади.

Аҳолининг русийзабон қисмининг пайдо бўлиши 19-аср ўрталари - Чор Россияси томонидан Ўрта Осиёни босиб олган даврга тўғри келади. Босқинчилик натижасида Туркистон генерал-губернаторлиги тузилди, вилоят Россиянинг протекторатига айланди.

Ўрта Осиёда рус аҳолисининг прогрессив миқдорий ўсиши 19-асрнинг охириги чорагида бошланади. 1897 йилда биринчи умумий аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, минтақада аллақачон 80 мингдан ортиқ руслар мавжуд бўлиб, улар асосан шаҳарларда тўпланган.

Инқилобдан кейинги биринчи ўн йилликда (1917—1926) Ўрта Осиёдаги рус аҳолиси 440 минг кишига етди. Бунинг сабабларидан бири 1920-йилларнинг бошларида Волга бўйлари ҳамда Россиясининг Европа қисмидаги бошқа баъзи минтақаларини қамраб олган очарчиликдир. Айнан шу даврда аҳолининг Ўрта Осиёнинг энг йирик марказига кенг кўламли миграциясини тушунтирувчи “Тошкент нон шаҳри” ибораси пайдо бўлди. 1920-1926 йиллар мобайнида Ўзбекистон пойтахтидаги рус аҳолиси қарийб икки баравар кўпайиб, 105 минг кишига етди. Натижада, 1920-йилларнинг ўрталарида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё минтақасининг бутун рус аҳолисининг деярли тўртдан бир қисми тўпланган эди. Фақат Ўзбекистонга иккинчи беш йиллик режа (1933-1938) йилларида 94 минг рус ишчи ва мутахассислари келди.

Ўз навбатида Ўзбекистонда истиқомат қилиб келаётган бошқа миллатлар вакиллари билан бир қаторда рус диаспорасини, ушбу диаспора тарихи ва бугунги кундаги ҳолатини тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган энг асосий мавзулардан биридир.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг ўсиб бораётган ижтимоий-маданий ўзига хослиги руслар учун қулай бўлмаган, уларнинг аксарияти ўзбек тилини билмас эдилар. Кўчиб келганларнинг бир қисми республикани тарқ этиши мумкин эди. Лекин асосий қисми ташқи меҳнат муҳожирларининг асосий оқими юборилган Ўзбекистон шаҳарларига кўчди. Ва иккаласи учун асосий диққатга сазовор жой Тошкент шаҳри бўлди.

1960-йилларда Ўзбекистон пойтахтининг рус аҳолиси нуфузи 41 фоизга ўсди.



1970-йилларда Ўзбекистон пойтахтига СССРнинг кўпгина вилоятларидан курувчиларнинг келиши натижасида Тошкентнинг рус аҳолиси сони 19%га ошди. XX асрнинг 80-йилларининг бошларига келиб, Ўзбекистондаги барча русларнинг 40% дан ортиғи Тошкент шаҳрида истиқомат қилар эди. Агар республикамиздаги 19 % рус аҳолиси Тошкент вилояти ҳисобига тўғри келишини ҳисобга олсак, Ўзбекистондаги рус аҳолисининг 60% республикамиз пойтахти ва унинг атрофида жамланган эди. Аммо унинг бошқа минтақаларида русларнинг асосий қисми шаҳар аҳолисидир. 1980-йилларнинг бошларида рус жамоасининг урбанизация даражаси. 93% дан ошади

1989-йилда, охириги Бутуниттифок аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Ўзбекистон ССРда рус аҳолиси сони 1653,5 минг кишини ташкил этган. Ўшанда руслар республика аҳолисининг этник таркибида иккинчи йирик миллат бўлиб, улар Ўзбекистон аҳолисининг 8,3 фоизини ташкил қилган [7].

Давлат статистика қўмитаси, 2021 йил 1 январ ҳолатига, Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси миллий таркибини эълон қилди. Унга биноан, 2021-йил 1-январ ҳолатига мамлакатнинг доимий аҳолиси сони 34,6 миллион кишини ташкил этди, шундан атиғи 720,3 минг нафари паспортида миллати “рус” деб кўрсатилган ўзбекистонликлардир.

Аҳолининг миллий таркибга бўлинишида асосий улуш титул миллат – ўзбекларга тўғри келади - 29,2 миллион киши. Улардан кейин тожиклар (1,7 миллион ), қozoқлар (821,2) ва қорақалпоқлар (752,7) бормoқда. Рўйхатнинг бешинчи қаторини руслар эгаллайди [8].

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, республиканинг миллий таркиби қуйидагича:

Ўзбеклар — 29,2 миллион киши; Тожиклар - 1,7 миллион киши; қozoқлар - 821,2 минг киши; қорақалпоқлар – 752,7 минг киши; руслар - 720,3 минг киши; қирғизлар - 291,6 минг киши; Туркманлар - 206,2 минг киши; татарлар - 187,3 минг киши; қорейслар - 174,2 минг киши; украинлар - 67,9 минг киши; Озарбайжонлар - 41,2 минг киши; беларуслар - 18,5 минг киши; бошқа миллат вакиллари - 426,4 минг киши.

Русларга келсак, 1991 йилдан бери уларнинг сони икки баробардан кўпроқ қамайди: СССР парчаланишидан олдин бу ерда 1,594 миллион нафар бу миллат вакиллари яшаган. 2017 йил бошига келиб, фақат 730 000 қолган.

Россия аҳолисининг энг катта чиқиши ўтган асрнинг 90-йилларида СССРнинг парчаланиши, маданий макондаги дастлабки бўшлиқ, шунингдек, иқтисодиётдаги ўтиш даврининг қийинчиликлари туфайли содир бўлди. Айни пайтда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатимизда 138 миллий маданият маркази, 34 дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 8–модда. Т.; “Ўзбекистон”. 2017.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 18–модда. Т.; “Ўзбекистон”. 2017.
3. Н. А. Медушевский, М. А. Гордеева, Н. А. Филин, И. П. Азерникова. Толерантлик принципи Европа интеграцияси лойиҳасининг қонунийлаштирувчи асоси сифатида // Ижтимоий ва ҳуқ-атвор фанлари бўйича Европа материаллари.
4. Муртазаева Р.Х. Кўпмиллатли Ўзбекистонда бағрикенглик интеграция омили сифатида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
5. Мусаев Н. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. Дисс. иш учун. Phd-доктори даражасини олиш учун. -Т., 2000



ИМОМ МУҲАММАД АЛ-ЖАЗАРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ.

Abdullayev Fazliddinman

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

islomshunoslik yo'nalishi

4 - kurs talabasi

**Исм ва нисбаси:** Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Юсуф ал-Жазарий ал-Умарий ад-Димашкий аш-Широзий.

Имом ал-Жазарийнинг аجدодлари Сурия-Туркия чегарасидаги «Жазирату Ибн Умар» шаҳрида яшагани учун «ал-Жазарий» деган нисбани олган. Бу шаҳарни барқайдлик Абдулазиз ибн Умар қурган бўлиб, шаҳар унга нисбат берилган. «Ал-Умарий» нисбаси шундан келиб чиққан. Имом ал-Жазарийнинг ўзи Дамашқда туғилгани учун «ад-Димашкий», умрининг охириги қисмини Шерозда ўтказиб, ўша ерда вафот этгани юзасидан «аш-Широзий» нисбасини ҳам олган. Имом ал-Жазарийни ватандошлари «Имоми Аъзам» деб аташар эди. Имом ал-Жазарий хушбичим, кўркам, гўзал, оқ-қизил юзли, фасоҳатли, балиғ ва сердавлат инсон бўлган.

**Таваллуди:** Имом Жазарийнинг отаси тижоратчи киши эди. Қирқ йил фарзанд кўрмади. 750/1350 санада ҳаж сафарига борганида Замзам олдида туриб, замзам сувидан ичар экан, Аллоҳ таолодан олим ва солиҳ бўладиган ўғил фарзанд беришини сўраб дуо қилди. Орадан ўн ой ўтиб дуонинг ижобати рўёбга чиқди: имом ал-Жазарий дунёга келди.

Имом ал-Жазарий Дамашқда 751 сана йигирма бешинчи рамазон (м. 1350 й. 25 ноябр) куни таровеҳ намозидан кейин таваллуд топди.

**Фаоляти:** Имом Жазарийнинг отаси солиҳ, илмга берилган, аҳли Қуръон киши эди. Шунинг учун ҳам тилаб олган фарзандини дуода сўраганидек инсон бўлиши учун ёшлигиданоқ Қуръон устозларининг, замона уламоларининг хузурига олиб бориб, улардан илм олишини таъминлади. Имом Жазарийни отаси биринчи бўлиб, ўзининг Қуръон таълим берган устози шайх Ҳасан Саружийнинг олдида олиб борди. Имом Жазарий ўн уч ёшида 764/1363 санада Қуръонни тамомлади 765/1363 йили хатмга ўтиб берди.

Имом Жазарий Қуръон билан бирга ҳадис илмини ҳам ўрганиб борди. Дамашқда Фахр ибн Бухорийнинг асҳоблари ва бошқалардан ҳадис тинглади. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Хаббоздек катта шайхлардан ҳадис илмида ижоза олишга эришди. Ал-Хаббоз имом Жазарийнинг бобосининг тоғаси эди.

Кейин 766-767/1364 йилларда Абу Муҳаммад Абдулваҳҳоб ибн Саллор, Аҳмад Тахҳон, Аҳмад ибн Ражаб каби Шом қориларидан қироатларни жамлашга киришди. Шайх Иброҳим Ҳамавийда етти қироатни жамлади. 768/1366-1367 йили Абул-маъолий ибн ал-Луббонда етти қироатни жамлаб битирди.

Шундан кейин Имом Жазарийнинг қалбига санадини яна-да олий қилиш ва илмини кенгайтириш мақсадида сафарга отланиш иштиёқи тушди. 768 йили Ҳижоз юртларига сафар қилди. Мадинаи Мунавваранинг имом-хатиби Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хатибдан «Ал-Кофий» ва «Ат-Тайсир» китоблари асосида қироатларни таълим олди. Кейин Дамашққа қайтиб, яна у ерда Ибн Саллор ва бошқа қорию олимларда илм тахсилани давом эттирди.

Имом Жазарий Муҳаммад ибн Юсуф ал-Андалусийдан таълим олиш учун Андалусия (ҳозирги Испания)га сафар қилмоқчи бўлганида отасининг изни бўлмагани боис бора олмай қолади. Кейин 769 (м. 1367-1368) йили Қоҳирага бориб, у ердаги улуғ олим ва қорилардан илм олишга киришади. Муҳаммад ибн ас-Сойиғ, Абдурраҳмон ибн ал-Бағдодий, Абу Бакр ибн ал-Жундий каби устозлардан қироатларни таълим олиб, яна Дамашққа қайтади. Аммо Қоҳира уламоларидан илм олишга бўлган иштиёқи туфайли Дамашқда кўп турмай, 771/1369-1370 йили яна Қоҳирага сафар қилади. У ерда Ибн ас-Сойиғ ва Ибн ал-Бағдодийдан яна бир канча қироат китобларини таълим олади. Шунингдек, Димётий ва Абрақуҳий каби ҳадис уламоларининг асҳобларидан ҳадис илмларини, Абдурраҳим ал-Аснавий ва бошқа фақиҳларнинг ҳалқаларидан Шофеъийя мазҳаби фикҳини эгаллайди.

Кейин Дамашққа қайтиб, у ерда Қозий Аҳмад ал-Куфрийдан етти қироатни бир хатмадан жамлаб ўтказади. Устози Ибн Касир 774/1372-1373 санада Имом Жазарийга фатво беришга изн беради. Аммо нмадир сабаб билан қоизилик фаолият бошланмасдан бу ишни тарк этади. Имом Жазарий Дамашқда кўп турмай, Зиё ал-Қазвийний ва бошқа уламоларнинг қўлларидан



«усул», «маъоний» ва «баён» илмларини мукаммал эгаллаш мақсадида 778/1376-1377 йили яна Қоҳирага қайтади. Бу сафарида Абдулваҳҳоб ал-Искандарийдан кироатларни жамлаб ўтказиш учун Искандарияга ҳам боради. Мисрлик устозларидан турли илмларда, хусусан кироат, ҳадис ва фикҳ илмларидан ижозатларни кўлга киритган имом Жазарий шундан кейин ўз юрти Дамашққа етук аллома бўлиб қайтади.

Имом Жазарий Дамашққа келиб, у ерда таълим беришга киришди. Атроф мамлакатларга ҳам донғи тарала бошлади. Умавий масжидида, Қуббатуннаسر тагида бир неча йил Қуръон ўқитиш билан машғул бўлди. Ўша даврнинг одатига кўра, Қуббатуннаسرнинг тагида, қайси илмдан бўлмасин, юртнинг энг етук олими бўлган кишигина таълим бериши мумкин бўларди. Имом Жазарий барчанинг эътирофи билан кироат илмидаги энг буюк устоз сифатида бу мақомга эришди.

Имом Жазарий турли илмий лавозимларда хизмат қилди. Жумладан, Одилийя мадрасасида Қуръон ўқитиш қисмининг бош шайхи, Ашрафийя дорул-ҳадисининг катта шайхи бўлиб ишлади. Бундан ташқари Дамашқда дорул-Қуръонга асос солди ва унинг бош устози бўлиб хизмат қилди.

Имом Жазарий илм таҳсили учун сафар қилганидек, илм таълими йўлида ҳам сафар қилишни ихтиёр қилди. Зотан бу буюк амалнинг ажру савоби беҳад бўлишини у киши жуда чуқур ҳис этган эди. 788/1386 йили ўғли Абул-Фатҳ Муҳаммадни ҳамроҳ қилган ҳолда Мисрга йўл олди. У ердан кейинги йили қайтиб, 798/1395-1396 йили яна Мисрга сафар қилди. Қоҳира ва Искандария шаҳарларида бўлди.

Имом Жазарий Султон Боязид ибн Муродхон даврида Бурса шаҳрида ҳам кироат, Қуръон илмлари ва ҳадис илмларидан етти йил (798-805/1396-1402) давомида дарс берди. Султон Боязид имомнинг иззат-икромини жойига қўйди. Имом Жазарийнинг турк ерларига келиб қолишининг ҳикояси ажойиб рўй берган эди:

Имом Жазарий Маккаи Мукаррамада ҳаж сафарида эди. Ҳожилардан бири: «Рум ўлкаларида (ҳозирги Туркия ерлари) бир қанча толиби илмлар бор. Уларнинг дунёдаги бор орзу-умидлари имом Жазарий деган буюк устозга Қуръон ўқиб бериш, унинг илмидан истефода қилиш бўлиб қолган. Чунки улар имом Жазарийнинг Қуръон илмларида етук, мустаҳкам олим эканини билишади. Бироқ, мазкур талабалар фақир бўлганаридан йўқчилик уларни ўша имомга етишишдан, унинг қаердалигини билиб, ўша ерларга сафар қилишдан тўсиб қўйган», деган хабарни айтиб қолди. Буни эшитган имом Жазарий: «Уларнинг олдига ўзим бораман», деди-да, Маккаи мукаррамадан Жудда шаҳрига йўл олди. У ердан денгиз билан Мисрга келди. Искандарияга бориб, у ердан денгиз орқали Туркия соҳилларида жойлашган Антакия томон сафарга чиқди. Сафардан бир тин олиш мақсадида Антакияга тушди. Ҳалиги камбағал талабалардан бири имом Жазарий билан кўришишга бўлган иштиёқи қўймай, пулсиз бўлса ҳам, унинг олдига боришга қасд қилган эди. Шайх ҳақида сўраганида кишилар унинг Ҳижоз юртларида эканини айтишган эди. У Ҳижоз сари йўл олар экан, Бурсадан Антакияга келди. Намоз ўқиш ва бироз дам олиш мақсадида шаҳар масжидига кирди. Антакияликлардан бири уни кўриб, мусофир эканини билгач, истироҳат учун уйига олиб кетишни, кечки таомни бирга ейишни унга таклиф қилди.

Кечки овқат асносида мезбон толиби илмга йўл чарчоғини енгиллатиш мақсадида гап очди: «Бугун шаҳримизга Қуръон уламоларидан бир катта олим ташриф буюрди. Исми Муҳаммад ибн Жазарий». Буни эшитган толиб: «Аллоҳга қасамки, уни кўрмагунча ухламайман», деб туриб олди. Улар шайхнинг одига йўл олишди. У кишининг ҳузурига киргач, толиб унинг оёғига йиқилди, беҳад шодлигини изҳор қилди ва унинг учун сафарга чиққанини айтди. Имом Жазарий бундан қаттиқ таъсирланди ва ўша толибга тўла Қуръонни ўқитиб, ижоза бергунча Антакияда қолиб кетди.

Шундан кейин имом Жазарий турк давлати пойтахти бўлмиш Бурса сари сафарини давом эттирди. У ерга бориб жойлашгач, фақир талабалар унинг олдига келиб, дарс ола бошладилар ва жуда ҳам хурсанд бўлдилар. Имом Жазарийнинг келганини эшитган Султон Йилдирим, яъни Боязид ибн Муродхон ўз ҳузурига у кишини иззат-икром билан олиб келишни буюрди. Султон Боязид имом Жазарийдан Бурсага келиб қолишининг сабабини сўради, у киши йўқсил толиби илмларни ўқитиш учун келганини айтди. Султон бу олий наmunани жуда ҳам юқори баҳолади ва: «Сиз биринчи ўринда фарзанларимнинг, сўнгра мусулмонлардан хоҳлаганингизнинг устозисиз», деди. У киши учун бир ҳовли жой, от-арава ва ойлик маош тайин қилди ҳамда ҳурматини ниҳоятда жойига қўйди. Бу, албатта, Аллоҳ



таоло холис Унинг учун қилинган амални дунёю охиратда яхши мукофотлашининг тарихий бир намунаси эди.

Имом Жазарий толиби илмларга таълим беришда давом этди. Ўзининг оламга машҳур «Ан-нашр фил-қироатил-ашр» асарини ўша ерда таълиф этди. Имом Жазарий бу китобда ўзининг йиллар оша, шаҳарма-шаҳар юриб ҳосил қилган илмларининг хулосасини, қорилар санадларини, ўн қироат ровийлари ва уларнинг қисқача таржимаи ҳолларини жамлаган бўлиб, китоб муаллиф замонидан ҳозирги давримизгача барча қорилар учун бирламчи манба сифатида ўрганиб келинмоқда.

805/1402 йили бўлган Анкара урушида Амир Темур Султон Боязидни мағлуб қилиб, юртдаги илм ва фазл аҳллариини Мовроуннаҳрга олиб кетар экан, имом Жазарийни ҳам келтирди.

Аллома Тошқубрийзода ўзининг «Аш-шақоикун-нуъманийя фи уламаид-давлатил-усманийя» китобида шундай ҳикоя қилади:

«Амир Темур имом Жазарийни Мовароуннаҳрга (Самарқандга) олиб келгач, бир катта зиёфат уюштирди. Ўша пайтда Саййид Шариф Журжоний Самарқандда мударрислик қилар эди. Амир Темур ўнг томонига катта уламоларни, чап тарафига амалдорларни жойлаштириди ва имом Жазарийни Саййид Журжонийдан юқорига ўтказди. Унга бунинг учун танбех беришди. Шунда Амир Темур: «Китобу Суннатга билимдон бўлган кишини қандай қилиб юқори қўймай?!» деди».

Имом Жазарий Кеш ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, Қуръон ва ҳадис илмларидан дарс берди. Жуда кўп толиби илмлар у кишидан истефода қилишди. Мисол учун, ўнта қироатни тўла эгаллаб, ижоза олган кишилардан Кешда Абдулқодир ибн Тилла Румий, Ҳофиз Боязид Кеший, Кеш вилояти қироат шайхининг ўғли Ҳофиз Маҳмудни зикр қилиш мумкин. Шунингдек, Муҳаммад ибн Шиҳоб ал-Ҳофий ал-Ҳанафий, Муҳаммад ибн Фазлуллоҳ ал-Хатибий каби олимлар имом Жазарийнинг қўлида ҳадис илмидан дарс олишган. «Ибн Арабшоҳ» лақаби билан машҳур бўлган аллома Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳанафий ҳам имом Жазарийдан ҳадис илмидан таҳсил олган ҳамда устознинг бир қанча китобларини унинг ўзидан дарс олган. Имом Жазарий Самарқандда «Боғи Худо» мадрасасида ҳам дарс берган.

Имом Жазарий раҳматуллоҳи алайҳ Мовароуннаҳр диёрида оз муддат турган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло у кишига берган барака туфайли жуда ҳам самарали ҳаёт кечирди. Кўплаб олимлар билан суҳбат қуриш, сон-саноксиз толиби илмларга турли илмлардан дарс бериш билан бирга, бир қанча илмий асарларни ҳам ёзиб битирди. Уч китобдан иборат «Шархул-Масобих» асарини, қорилар тарихига оид «Ғоятул-маҳароҳ физ-зияда алал-ашароҳ», қироат илмидаги «Тоййибатун-нашр фил-қироатил-ашр», наҳвга доир «Ал-жавҳароҳ», ҳозирги кунгача тажвид илмининг асоси бўлиб хизмат қилиб келаётган «Ал-муқоддимах фи ма яжибу ала қориил-Қуръани ан яъламах» манзумаларини ҳам шу диёрда талиф этди.

807 йили шаъбон (1405 й. феврал) ойида Амир Темур вафот этгач, имом Жазарий Мовароуннаҳрдан чиқиб, Хуросон тарафга юрди. 807/1404-1405 йили Ҳирот, Язд ва Асфаҳон шаҳарларида бўлади. 808/1406 йили Рамазон ойида Шерозга келиб жойлашди. Шероз давлати раҳбарлари имомни шу юртда қолишга кўндиришди ва у кишини шу юртга қози қилиб таъйинлашди. Имом Жазарий Шерозда 14 йил қолиб кетди ва бу ерда Қуръон билим юртига асос солди. Бу даргоҳдан жуда кўп олим ва қорилар етишиб чикди.

821/1418 йили имом Жазарий Ирокка борди. Басрага тушиб, Қуръон таълимини бошлади. У ерда ҳам жуда кўп толиби илмлар имом Жазарийдан истефода қилишди.

Кейинги йили Мадинаи Мунавварани қасд қилган ҳолда йўлга чикди. Карзун қозиси, шогирди Муинуддин ибн Абдуллоҳни ҳамроҳ қилиб олган эди. Нажддаги Унайза қишлоғидан чиқишаркан, бадавий араблар уларни тутиб олишди. Хайриятки, Аллоҳ нажот бериб, қутилиб қолишди. Бор-йўқларидан айрилиб, яна Унайзага қайтишди. Имом Жазарий ўша ерда «Ад-дурра ал-музийъа фил-қироатил-ашрил-мутаммима лил-ашра» асарини ёзди. Қози Муинуддин ҳам имом устозга Абу Жаъфар қироатида Қуръонни ўқиб беришни бошлади ва бу хатмасини Мадинаи Мунавварада тамомлади.

Ҳаж мавсими ниҳоясига етгач, иккала ҳарамда ҳам бир муддатдан турди, қироатдан таълим берди ва китоб ёзди. Кейин Ирокка қайтди.

825/1422 сана яна ҳажга борди. Ҳаждан кейин Қоҳирага тушиб, ўғли Аҳмад билан кўришди. Ўшанда имом Жазарийнинг ўғли Аҳмадни кўрганига йигирма йил бўлган эди.



827/1424 сана Дамашққа борди, кейин яна Мисрга қайтди. У ерда Султон Ашраф билан кўришди. У имомга жуда ҳам юқори иззат-икром кўрсатди.

Имом Жазарий кейинги ҳаж мавсимида ҳам ҳаж қилди. У ерда бир ой туриб, сўнг денгиз йўли билан Яманга сафар қилди. Яманда ҳам Қуръон ўқитди, илм тарқатди ва тижорат билан шуғулланди. Яманликлар у кишини олиб қолишди. Кейинги ҳаж мавсимида шу ерда таълим берди. Ҳаждан кейин ўғли Абу Бакр Аҳмад билан Маккадан Мисрга қараб юришди. У ерда бир неча ой туриб, 829/1426 йил жумодул-охир ойида Дамашққа йўл олишди. Сўнг у ердан иккалалари ажралишди. Аҳмад Румга, имом Жазарий эса Шерозга қараб юрди. Имом Жазарий шундан кейин умрининг охиригача Шерозда таълим ва дарс ишлари билан машғул бўлди.

Имом Жазарий 833 йил 5-рабиъул-авал (м. 01.12.1429) жума куни фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилди. Жанозасига каттаю-кичик, хоссу авом, барча халқ йиғилди. Имом Жазарийни ўзи қурдирган Шероздаги Дорул-Қуръонга дафн қилишди.

Аллоҳ таоло имом Жазарийни ўз раҳмати билан қуршаган бўлсин, у кишини Қуръон аҳллари тарафидан мукофотласин!



## ҚУБЛА АРАЛБОЙЫ ХАЛЫҚЛАРЫНЫҢ АНТИК ХӘМ ОРТА ЭСИРЛЕР ТОҚЫМАШЫЛЫҚ ӨНЕРМЕНТШИЛИГИ

**Қутлымуратов Русланбек Бахтиярович**

Бердақ атындағы қарақалпақ мәмлекетлик  
университети Археология кафедрасы  
2-басқыш магистранты

**АННОТАЦИЯ:** Тоқымашылық инсаният жаратқан өнерментшилик тармақларының ишиндеги кең тарқалған түрлеринің бири болып есапланады. Усы мақала Қубла Аралбойы халықларының турмысында әхмийетли орын ийелеген тоқымашылық тараўының пайда болыўы хәм раўажланыў барысы ҳаққында кең жәмийетшиликке танытыўда әхмийетли орын ийелейди.

**ГИЛТ СӨЗЛЕР:** Қубла арал бойы, тоқымашылық өнери, антик хәм орта эсирлер, археологиялық изертлеўлер археологиялық естеликлер.

Тоқымашылық инсаният жаратқан өнерментшилик тармақлары ишинде ең әйемгилеринен бири есапланады. Алымлардың изертлеўлери бойынша өнерментшиликтің бул түри неолит дәўиринде яғный буннан 8-мың жыл бурын пайда болғанлығын дәлийллемекте. Антик дәўирден баслап тоқымашылық санаат дәрежесине көтерилип, дүнья халықларын экономикалық тәрептен бирлестириўге имкан жарата баслады.

Уллы Жипек жолының кесиспесинде жайласқан Қубла Аралбойы халықлары да өнерментшиликтің бул тараўы менен ерте басқышлардан таныс болып, оны раўажланыўында белгили үлес қоса алған. XX эсирдің екінши ярымынан баслап тоқымашылық өнерментшилигин бәринен бурын этнографиялық хәм археологиялық тәрептен изертлеў жумыслары кеңнен жүритиле баслады.

Қубла Аралбойы халықларының турмысында әхмийетли орын ийелеген тоқымашылық тараўы антик хәм орта эсирлер дәўиринде өнерментшилик тармағының гүлалшылық, металлсазлық, шийшесазлық пенен бир қатарда оғада үлкен орын тутқан.

Қубла Аралбойы халықларының тоқымашылық өнерментшилигине тийисли болған ең дәслепки буйымлардың бири бронза дәўиринің раўажланған басқышына тийисли естеликлерден археологиялық қазып изертлеў нәтийжесинде анықланған. Бунда Тазабағжап мәдениятына тийисли Қават 3 естелигинің 1-үй орны урасынан табылған қамыс-жекенди, терилерди хәм басқа буйымлар тигиў хәм тоқыў ушын қолланылатуғын бронзадан жасалған сүйек саплы төрт қырлы биз куралының табылыўы үлкен әхмийетке ийе (Итина: 1960. 95-99 б). Бул тоқымашылықтың басланыўы Қубла Аралбойы халықларында хәзирше бронза дәўиринен қәлиплесип раўажлана басланғанын билдиреди.

Қубла Аралбойы халықларында тоқымашылық өнерментшилигинің раўажланыўлары антик хәм орта эсирлер дәўирлеринде жоқары дәрежеге көтерилиўге еристи. Қарақалпақстан аймағы Беруни районы аймағында жайласқан антик дәуирине тийисли Ақшаханқала (Қазақлыжатқанқала) естелигин изертлеў нәтийжесинде сарай хәм зароастрлар ибадатханаларындағы дийўал реңли сүүретлеринен анықланған «Хорезм патшалары портретлер галереясы» (Yagodin: 2009) хәм отқа табыныўшылардың жоқары қудайлары сүүретлериндеги көрсетилген кийим-кеншеклер, тағыншақлар, олардағы рең-бәреңликлер, нағыслар хәм безеўлер (Melodie Bonnat: 2019) бул регионда тоқымашылық өнерментшилигинің жүдә жоқары дәрежеге көтерилгенлигинен дерек береді. Ондағы реңли сүүретлер кийим кеншеклерде сегіз түрли тәбийий бояўлар менен берилгенлигин көрсетип өтеді.

Уллы Жипек жолының хызмет ете баслаўы Батыс пенен Шығысты экономикалық хәм мәдений жақтан байланысына имкан жаратты. Асиресе Батыс аймақлардың тәбийий жипек өнімлерине болған талабының артып кетиўи әйемги Қытайлылардың Рим ҳаққында мағлыўматларға хәм керисинше Римлилердің Қытай империясы ҳаққындағы бар болған жаңалықларға ийе болыўларына алып келди (Дрепи: 1989). Бул усы жол кесиспесинде жайласқан Орта Азия соның ишинде Қубла Аралбойы халықларында өнерментшиликтің тоқымашылық тармағы раўажы ушында әхмийетли болды.

Қубла Арал бойында Хионитлер дәўирине тийисли Барақтам 1 естелигин изертлеў



даўамында сарай ишиндеги суфа (еден) ўстки бөлими гилем менен төселгенлиги маълим болады. Онда салтанатлы залға өтер мүйешинде гилем бөлекшеси анықланып, оның сабақлары көк, қызыл, сарғыш-қоңыр, алтын сары реңли бояўлар берилгенлиги маълим болған, гилемнің орта бөлиминде сўўретлеў композициясы менен толықтырылған (Толстов: 1959, 32 бет. 22-сўўрет). Тилекке қарсы ол жақсы сақланбаған, деген менен буйым қалдығы бул регионда соңғы антик дәўирлерде тоқымашылық өнери жоқары дәрежеде болғанлығын дәлилллейди. Эрамыздың IV әсирде шайы арзанласып әпиўайы адамларда шайыдан кийимлер кийе баслаған (Богомолов: 2007). Бәлким, буған Орайлық Азияның жипекшилик орайларынан Батыс базарларына көплеп өнимлер келе баслағанлығыда себеп болған болыўы да мүмкин. Дереклерде VII әсир басларында бир ат ушын 4,5 кийимлик шайы берилгенлиги көрсетип өтилген. Деген менен тоқымашылық өнерментшилигинде жипектен шайы таярлаў технологиясы узақ ўақыт даўаманда сыр сақланып, мәмлекетлик сиясат дәрежесинде қадағаланған. Сол ушында жергиликли өнерментлер пахта талшығынан, өсимлик талшығынан, сондайақ төмен хәм жоқары сортлы жипек талшықларынан кийим-кеншеклер таярлаўға бәрхама мейил болған. Буған бәринен де бурын тоқыма өнимлерге жәмийетшилик талабы себепкер болған. Сол ушында жергиликли халықлар арасында тоқымашылық өнимлерин таярлаў технологиялары жетилистирилип барылған.

Этнографиялық мағлыўматлар Қарақалпақ халықларында тоқымашылықтың өз пири болғанлығын, яғный Биби Фатима оның ғамхоршысы болғанлығын көрсетеди (Жданко: 1959. 199 б.). Бул усы өнерментшилик тармағының қарақалпақ халқы арасында ерте дәўирлерден баслап кең таралғанын билдирсе, өнерментлер басқа барлық кәсип ийелери сыяқлы өз жумысларына кирисиўден алдын өз пирлерине сыйынып, истиң әўметли, берекетли болыўларын тилеген хәм оларды қатаң тәризде сақлаған.

Орта әсирлер дәўирине келип тоқымашылық өнементшилиги жанеде раўажланғанлығын бир қатар археологиялық артефактлер көрсете алады. Бул бойынша Кердер мәдениаты бир қатар қалалары соннан Токқала естелигинен табылған ассуарии табытлар сыртындағы реңли сўўретлерде берилген инсан кийимлери, ондағы нағыслар, еки реңде берилген таўарлар, ер адамлардың кийген кафтанлары, ҳаял адамлардың жеңсиз кийимлери (Гудкова: 1964, 97-бет), Қаватқала естелигинен табылған ший қамыслар араларына өткерилген сабақ тоқымалары (Вактурская, Вишневская: 1959. 156-бет, 4-сўўрет) булл өнерменшиликтиң жоқары басқышқа көтерилгенлиген дерек береді. Асиресе жазба дереклерде көрсетилиўинше X әсирде араб авторы ал Магдиси көрсетиўинше Қубла Арал аймағынан сыртқа шығарылған хәм келтирилген өнимлер арасында бир қатар өнимлер менен бирге кимухт (тери сортының бир түри) болғанлығын айтып өтеди (МИИТ, т.1. 202-бет).

Монғоллар дәўирине шекемги Қубла Аралбойы халықларында ҳаял –қызлар ушын арналған кийим кеншеклер арасында шекпен, жеңсе, жамылғылар, көпшик қаплары, «арзандж» деп аталған тоқыманың, гилемлер өндирилгенлиги келтириледі (Беленицкий: 1973. 273-бет). XIII-XIV әсирлер жазба дереклери бул регионда тоқымашылық өнерментшилиги болғанлығынан мағлыўмат береді. Мәселен Абд ар Рашид ал Бакуви: «Ургенч ҳаяллары ийне жәрдемінде әжайып өнимлер таярлайды: алтыннан тоқыйды хәм тигеди» (Ал-Бакуви: 1971. 91-бет). Буны Жампыққала естелигин изертлеў ўақтында табылған Алтын Орда дәўирине тийисли мәдений қатламлардан пахта паңғалағының табылыўы, тоқыма бөлеклери, тери хәм гулалдан жасалған уршықлардың көплеп табылыўлары айқын көрсетеди. Академик В.В. Бартольд өз мийнетлеринде «Орта Азияға монғоллар келгеннен кейинги бүлгиншиликлерге қарамастан асиресе Амударья төменги бөлимлеринде пахта өндириси хәм пахташылық тоқымашылығы тоқтамады» деп көрсетиўи (Қдырнийазов: 1989. 109-110 бет) Қубла Аралбойы халықларында тоқымашылық жоқары болғанлығынан көрсетеди.

Тоқымашылық тармағында териден, былғарыдан өнимлер таярлаўда әҳмийетли болған. X әсир жазба дереклери бойынша Қубла Аралбойы қалалары тери өнимлерин сыртқа шығарғанлығы айтылады (МИИТ. Т.1. 202 б.). Кейинги дәўирлерде Төменги Волга бойларынан былғары терилерин таярлаў ушын ақ қайын ағаш қапларын алып келингенлиги маълим (Греков: 1950). Ақ қайын орамлары қалдықлары Жампыққала, Гөне Ургенч, Шемахақала хәм Айата сыяқлы естеликлерде археологиялық қазыўлар пайытында табылған. Терипурышлық өнимлерин тийкарынан ат әнжамлары ушын таярланған қайыслар, жүўенлер хәм аяқ-кийимлер қалдықлары кураған. Булар Қубла Аралбойы халықларында



тоқымашылық пенен бир қатарда орта әсирлер дәуирине келип терипурышлық өндирисиниң де жақсы раўажланғанлығын дерек береді.

Тоқымашылық өнімлери ишинде жипек үлкен әҳмийетке ийе болған. Алтын Орда хұқимранлығы дәуиринде Хорезм хәм Кубла Аралбойы қалалары халық аралық транзит саўда байланысларында зәрүрли орынды тутқан. Бул жерде таярланған көплек өнімлер ишинде жипек таўарларының қалдықлары Кисловодск қаласына жақын жердеги Хасаута, Мошечая Балка қалаларынан табылыўлары (Қдырниязов: 1989. 126-б) Кубла Аралбойында орта әсирлер дәуиринде тоқымашылық өнерментшилиги жоқары дәрежеде болғанлығын көрсетеди. Регионда тоқымашылық өнімлери тек ишки базар талапларын қанаатландырып ғана коймастан, ал шетки үлкелергеде экспорт өнімлери қатарында шығарылған. Солардан 1289-1290 жж. тийисли нотариал актлерде генуялы саўда үйи ўәкиллеринен Андрей Спиноло, Бонвассалини хәм Персиваль Ломеллиналардың Кафа қаласынан (Қрым аймағы) Генуяға Қара теңиз арқалы «сagusmisna» («хорезмдики яки хорезмлерден») хәм «organinum» («ургенчтики»)деп аталған жоқары сыпатлы жипек өнімлерин жиберилгенлиги бериледи (Қдырниязов: 2015. 242-б). Кубла Арал, Хорезм жерлерине келген Европалы саўдагерлердин бәринен бурын тоқыма өнімлерге (сукно, маўыты, генуя парчасына) сап гумиске алмастырып жәнеде шығысқа қарай Қытайға кетиў мүмкиншилиги бар болғанлығы хаққындағы мағлыўматты XIII-XIV әсир Италиялы саўдагер хәм елши Ф.Б. Пеголотти қалдырған (Қдырниязов: 2015. 242-б). Европа өндирис орынларында таярланған сукно, маўытылар өз гезегинде Кубла Аралбойларына да келген. Нәтийжеде саўда байланысларының раўажланыўлары жергиликли тоқымашылық өнерментшилигиниң де қандайда дәрежеде өсиўине хәм гүллениўлерине алып келеди.

Орта әсирлер дәуирине тийисли бир қатар естеликлерде жүргизилген археологиялық изертлеўлер, атап айтқанда, Токқала, Миздахкан, Жампыққала, Пулжай, Бограхан, Топракқала (Қоңырат) хәм басқаларында табылған гулалдан исленген уршықлар, батқылар, сүйектен жасалған кочедыг (тоқыма үскене), бронза биз, ийне, шпилька, темирден исленген қайшылар хәм басқада тоқыма үскенелери Кубла Аралбойы халықларында тоқымашылық әйнен усы дәўирге келип жоқары басқысқа өткенлигин дәлийллейди.

Үлкемизде жүргизилген этнографиялық изертлеўлердеги XIX- XX әсирлерге тийисли болған тоқымашылық өнерментшилигиндеги оғада бай материаллар, ондағы нағыслар, безеклер, көркем санаат үлгилериниң келип шығыў тарийхы усы Кубла Аралбойы халықларының өтмиши менен генетик бир екенлигин, олардың әсирлер бойы дәстүрий жоғалмай киятырғанлығынан хәм халқымыздың руўхый мәденияты менен шәмбершәс байланыслығын көрсетпекте (Жданко: 1958; Богословская: 2019).

Тоқымашылық өнімлери халықлардың материаллық байлығы ғана болып коймастан, ал олардың мәдиант үлгилери де есапланады, себеби тери, ший, кийим-кеншек хәм басқада буйымлардағы белгилер, нағыслар, безеўлер хәм басқалар халықлардың турмыс тәризи, шуғылланған хожалығындағы баслы бағдарларын, руўхый мәдиантында исенимлер белгилерин, дүнья көз- қарасларының көрсеткишлери индикаторы хәм дәрежелериниң көлемлеринен, сондай ақ халық аралық саўда байланыслары қай барыста барғанлығы, қай тәризде болғанлығынан да гуўалық берип турады.

### Пайдаланған әдебиятлар:

1. Абд ар-Рашид ал-Бакуви. Китаб талхис ал-асар ва аджаиб ал-малик ал-Каххар. М., Наука, 1971.
2. Богословская И. В. Каракалпакский орнамент: образ и смысл. Алматы. 2019. 219 с.
3. Богомолов Г.И. Три секрета шелка // Наука и жизнь Узбекистана № 5-6/ 2007. С. 5-6.
4. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.
5. Вактурская Н.Н, Вишневская О.А. Памятники Хорезма эпохи великих Хорезмшахов (XII — начало XIII в.) // Материалы Хорезмской археологической экспедиции, вып. 1. М.,1959.
6. Гудкова А.В.Ток-кала. Ташкент., 1964.
7. Дрепи Ж.П. Марко Поло и шелковый путь. М., 1989.
8. Жданко Т.А. Народное орнаментальное искусство каракалпаков // ТХАЭЭ. Т. III. М., 1958.



9. Жданко Т.А. Работы каракалпакского этнографического отряда в 1956 г. // Материалы Хорезмской археологической экспедиции, вып. 1. М., 1959. 190-208.
10. Итина. М. А. Раскопки стоянок тазабагыбской культуры в 1957 г // Материалы Хорезмской экспедиции, вып. 4. М., 1960. 95-99 б.
11. Кдырнийазов М.-Ш. Материальная культура городов Хорезма XIII-XIV вв. Нукус, 1989.
12. Кдырнийазов М.-Ш. Культура Хорезма XIII-XIV вв. Самарканд., 2015. 320 с.
13. Материалы по истории Туркмен и Туркмении. Т. I. Арабские и персидские источники. Под ред. С.П. Волина, А.А. Ромаскевича и А.Ю. Якубовского. М.-Л., 1939.
14. Толстов С.П. Работа Хорезмской археолого-этнографической экспедиции в 1954—1956 гг // Материалы Хорезмской археологической экспедиции, вып. 1. М., 1959. 32-35 б.
15. Melodie Bonnat. Reconstituting the colossal avestan gods from Akchakhan-kala, ancient Chorasmia: the contribution of the painting conservators // История и Археология Приаралья №1. Нукус., 2019. 71-86 бет.
16. Yagodin, V.N., Betts, A., Kidd, F., Baker Brite, E., Khozhaniyazov, G., Amirov, Sh., Yagodin, V.V., Fray, G. “Karakalpak- Australian Excavations in Ancient Chorasmia. An Intern Report on the Kazakly- Yatkan Wall Paintings: the portrait gallery”. // Journal of Inner Asian Art and Archeology, 2009, 4, p. 7-42.



## РАСМУЛ-МУСҲАФ ИЛМИНИНГ АСОСИ, КЕЛИБ ЧИҚИШИ, ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ:

**Abdullayev Fazliddinman**

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi

islomshunoslik yo'nalishi

4 - kurs talabasi

Аллоҳ тоало ҳар бир умматга ўзига хос хусусиятлар берган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларини бошқа умматларда бўлмаган кўплаб фазилатлар билан сийлаган. Ана ўша хислатлардан бири бу умматга туширилган сўнгги «Калом»ни улар учун сақлаб беришни Аллоҳ таолонинг Ўзи ваъда қилган ва бунга, аввало, шу умматнинг қалбларини асосий курул бўлиб хизмат қилишини ирода қилган.

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Тавротни нозил қилган. Уни бир йўла тахтага ёзилган ҳолда туширган. Шундан ҳам маълум бўладики, Бану Исроилда Аллоҳнинг Каломини қабул қилишда асос фақат ёзув бўлган. Натижада улар Тавротни ёдлай олишмаган, унга аҳборлар томонидан киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳам билишмаган. Шунингдек, Ийсо алайҳиссаломга Инжил нозил қилинган, аммо у кишининг атрофларидаги хаворийлар уни ёдлаб ҳам, ёзиб ҳам олишган эмас, чунки бу уларга буюрилмаган. Ийсо алайҳиссаломнинг вафотларидан бир неча йиллар ўтиб, бошқа кишилар томонидан Инжиллар битила бошлаган. Бу ёзишда Аллоҳнинг сўзи ҳам, Ийсо алайҳиссаломнинг сўзи ҳам, хаворийларнинг сўзлари ҳам, бундан бошқалари ҳам аралаштириб ёзилаверган. Инжиллар юздан ошиб кетгач, орасидан тўрттасини танлаб олиб, ўшани насронийларнинг муқаддас китоби қилиб олишган. Аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари эса Парвардигорлари томонидан ўзларига туширилган илоҳий Каломни аввало Пайғамбарларининг оғизларидан эшитиб ёд олишган, ўқиб эшиттириб, ўтказишган, ҳар бир оят, ҳар бир калимани қалбларига жо қилишган, шу билан бир қаторда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг топшириқлари ва назоратлари асосида ҳарфма-ҳарф ёзиб ҳам олишган. Ана ўша битиклар кейинчалик Расмул-мусҳаф илмига асос бўлган.

**– Қуръони каримнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида ёзилиши ва жамланиши;**

Ислом дини келишидан олдинги Арабистон Ярим Оролида истикомат қилган араблар ўша даврдаги Форс, Яман ва Рим давлатлари каби маданият ва тараққиётга эга эмас эди. Аммо бу уларнинг орасида ўқиш-ёзишни биладиган одам мутлақо бўлмаган, дегани эмас. Балки, ўша даврнинг аксар халқларида бўлганидек, арабларда ҳам саводхонлик, илм-маърифат кам сонли кишилардагина тарқалган эди. Айрим олимлар жоҳилият арабларида ўқиш-ёзишни биладиган одам деярли йўқ эди, деб айтган бўлса-да, муҳаққиқ уламолар бу фикрни қўлламаганла. Масалан, Ибн Қутайба ад-Дайнурий (в. 276): «Арабларда китобат кам эди», деган бўлса, Ибн Форис (в. 395): «Албатта, биз арабларнинг ҳаммаси, шаҳарлиси ҳам, саҳройиси ҳам ёзув-чизувни, барча ҳарфларни билар эди, деб даъво қилмаймиз. Илгарги замонда араблар ҳам худди бизларнинг ҳозирги замонамиздагидек бўлишган. Ўқиш-ёзишни, хат-саводни ҳар ким ҳам билган эмас», дейди. Аламуддин Саҳовий (в. 934) ҳам: «Араблар китоб ва қаламга аҳл эмас эди» деган сўздан мутлақо сақлан», деб айтган.

Қуръони каримнинг «ёзиш», «ўқиш», «қалам» сўзлари билан хитоб қилиши ҳам арабларнинг ўқиш-ёзишдан хабардор халқ бўлганидан далолат беради. Чунки Қуръони карим кишиларга улар учун мутлақо бегона бўлган нарсалар билан хитоб қилмаган. Хусусан, Маккаи Мукаррамадек араблар учун муқаддас ватан, шаҳарлараро тижорат маркази бўлган юртнинг аҳолиси мутлақо хат-саводсиз бўлиши мумкин эмас. Чунки уларнинг бошқалар билан олди-бердилари, битим-шартномалари, халқаро элчилик муносабатлари ҳам бўлганки, буларни амалга ошириш учун, табиийки, хат-ёзувдан хабардор кишилар халқ орасида керакли даражада мавжуд бўлган. Жумладан, Варақа ибн Навфалнинг арбча ва ибронийча ёза оладиган киши бўлгани, Қурайш қабиласининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва мусулмонларга қарши тузган битимлари эълонини Каъбага осиб қўйганлари, Исломнинг олтинчи йили қирқинчи киши бўлиб Исломни қабул қилган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг синглиси уйида Қуръон сураларидан бирини кўриб ўқимоқчи бўлгани саҳиҳ хабарларда келган. Бу ҳам арабларда хат саводи бор кишилар илгаридан мавжуд бўлганига



далолат қилади.

Аллома Балозирийнинг таъкидлашича, Ислом дини келган пайт Қурайш қабиласи орасида ёзув-чизувни биладиган кишилар 17та бўлган. Шунингдек, Балозирий Мадинаи мунавварага Ислом дини кирганида у ерда ҳам бир қанча хат саводи бор кишилар мавжуд бўлганини айтади ва улардан ўн биттасини номма-ном келтиради. Воқидий ҳам Мадинада илгаридан яхудийлар араб ёзувини билишгани ва болаларга ўргатишганини таъкидлайди.

Маккаи мукарамада ёзиш-ўқишни биладиганлар саҳобалар орасида ҳам анча-мунча бор эди. Тўрт халифа, Абу Суфён, Талха ибн Убайдуллоҳ, Муовия ибн Абу Суфён, Абон ибн Саид, Ало ибн Мукрий розияллоху анҳум шулар жумласидандир. Мадинаи мунавварада эса Умар ибн Саъд, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Мунзир ибн Амр ва бошқалар мирзолик қилишар эди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг котиблари сони, умуман олганда, 43 тага етган.

Маълумки, Муҳаммад Мустафо соллаллоху алайҳи васаллам ўқиш-ёзишни билмаганлар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдаги бу «уммийлик» сифати у кишининг ҳақиқий пайғамбар эканларини исботловчи бир далил ва мўъжиза бўлиб хизмат қилган.

Аллоҳ таоло шундай деб марҳамат қилади:

**«Сиз илгари бирор китобни тиловат қилгувчи эмас эдингиз ва қўлингиз билан хат ҳам ёзган эмас эдингиз. Акс ҳолда бузғунчилар, албатта, шубҳага тушган бўлур эди».**

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга Жаброил алайҳиссалом ваҳийни олиб тушар экан, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ёзишни биладиган саҳобаларини чақириб, нозил бўлган ваҳийни уларга имло қилиб берар эдилар. Саҳобаи киромлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан Қуръони каримни қабул қилиб олишда уни аввало қалб саҳифаларига битар эдилар. Асосан ёддошликка таянилар эди. Бироқ, шу билан бирга, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам фақат ёдлашга суяниб қолмасдан, ваҳийни битик билан ҳам мустаҳкамлаб қўйишни йўлга қўйган эдилар. Бу, албатта, Аллоҳнинг амри билан бўлган эди. Токи Қуръони Каримнинг сақланиши янада мустаҳкам бўлсин. Натижада Қуръони Каримнинг муҳофаза қилиниши икки йўл билан бўлиши жорий қилинди:

- 1) Қироат;
- 2) Китобат.

Токи, бири адашиб қолгудек бўлса, иккинчиси тўғриласин.

Шу ўринда маълум бўладики, Қуръони Карим тилларда ўқилиши нуқтаи назаридан «Қуръон» – «ўқилмиш», битикларда акс этиши эътиборидан «Китоб» – «ёзилмиш» деб номланган.

Қуръони Каримнинг илк ваҳий қилинган оятларидаёқ бу нуқтага ишора борлигини кўришимиз мумкин.

**«Ўқинг (эй Муҳаммад! Бутун борлиқни) яратган зот бўлмиш Раббингиз номи билан! (У) инсонни лахта қондан яратди. Ўқинг! Раббингиз эса қарамлидир. У инсонга қалам билан ёзишни ҳам ўргатди. У инсонга билмаган нарсаларини билдирди».**

Ўқиш-ёзишни билмаган уммий бир кишига тушган илк оятлар қандай сўзлар билан бошланганини бир тафаккур қилиб кўринг! Шу санокли сўзларда икки марта «қироат» ўзагидан олинган «Ўқи!» деган амр келмоқда. Шу билан бирга, «қалам» зикр қилинмоқда, илмнинг қалам билан ҳосил бўлиши айтилмоқда, яъни «ёзув»га ишора қилинмоқда. Ундан ташқари, мазкур илк ваҳийнинг аввалида Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни уч марта «Ўқи!» деб қисганини, у зот ҳар сафар «мен ўқишни билмайман», деб жавоб берганлари ҳадисларда кўп марта келган. Бунда ҳам Қуръони Каримнинг муҳофазасида асосий ўринни «қироат» тутишига ишора бўлса, ажаб эмас. Демак, Қуръони Каримнинг ҳам тилу дилларда, ҳам ёзув-битикларда сақланиб бориши азалий ирода узил-кесил ҳукм қилган ҳақиқатдир.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўзларига тушган ваҳийни мирзоларга ёздирар экан, ҳар бир сура, ҳар бир оятни қайси ўринга қўйилишини ҳам Жаброил алайҳиссаломдан ўрганганларидек таълим берар эдилар. Жаброил алайҳиссалом эса тартибни Лавҳул-маҳфуздан олар эдилар. Усмон ибн Аффон розияллоху анҳу шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам у зотга бирор сура нозил бўлса, ёзадиганлардан баъзисини чақириб: «Ушбу сурани фалон-фалон нарсалар зикр қилинган жойга қўйинглар», дер эдилар».

Мадинадаги мирзоларнинг пешвоси Убай ибн Каъб розияллоху анҳу эди. Зайд ибн Собит



розияллоху анху ҳам у киши билан бирга ёзиб юрар эди. Аммо Зайд ибн Собит саҳобаи киромларнинг ичида ваҳийни ёзиб олишга энг кўп мулозим бўлган киши эди. Хорижа ибн Зайд айтади: «Бир неча нафар кишилар Зайд ибн Собитнинг олдида кириб: «Бизларга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг бирор ҳадисларини айтиб бергин», дейишди. У киши: «Нимани ҳам айтиб берарадим. Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг кўшнилари эдим. Қачон у зотга ваҳий тушса, мени чақирар эдилар, мен ваҳийни ёзиб олар эдим...», деди».

Таъкидлаш лозимки, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам котибларига ваҳийни имло қилар эканлар, ёзганларини қайтадан ўқиттириб эшитар, хатолари бўлса, тўғрилатиб қўяр эдилар. Зайд ибн Собит розияллоху анху айтади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида ваҳийни ёзар эдим. У зот менга имло қилиб турардилар. Фориғ бўлганимда «Ўқи», дер эдилар, мен ўқир эдим. Унда бирор тушиб қолган жойи бўлса, тўғрилаб қўяр эдилар».

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида оятлар суяк, тери, силлиқ тош, хурмо пўстлоғи ва шу каби ўша давр ёзув қуролларига битилар эди. Қуръон оятлари ёзилган саҳифалар саҳобаи киромларнинг қўлларида ҳамда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида тўпланар эди.

Абу Амр Доний таъкидлаганидек, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафот этган пайтлари саҳобаи киромлардан бир нечталари Қуръони каримни тўла ёд олган, бошқалари тўла бўлмаса-да, бир қанча қисмини эгаллаган, Қуръони карим ёзуви тўлалигича қўлларда сақланган эди. Имом Ҳоким ўзининг «Ал-мустадрок» асарида Зайд ибн Собит розияллоху анхудан келтирган ривоятда у киши: «Биз Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида Қуръонни терилардан тўплар эдик», деган. Ушбу тарихий ҳақиқатлардан маълум бўладики, шарқшунос Карл Брукелманнинг: «Эҳтимолки, ваҳийнинг тарқоқ лавҳалари Расул (соллаллоху алайҳи васаллам) ҳаётлигида ёзиб олинган бўлса ҳам, лекин ваҳийнинг аксари, шубҳасиз, фақат ёддан ривоят қилинар эди», деган сўзи ҳақиқатдан йироқ бўлиб, ҳавоий ва ғаразли фикрдан бошқа нарсаси эмас. Зотан ишончли хабарлар ҳамда тарихий воқелик шуни кўрсатадики, Қуръони карим оятлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларидаёқ қалбларда ҳам, саҳифаларда ҳам тўлалигича сақланган эди. Фақат, саҳифалардаги битиклар бир жойга тўплаб, бир муқовага олинмаган, холос. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг даврларига келибгина бу иш амалга оширилди.

**– Қуръони каримнинг Абу Бакр розияллоху анху замонларида ёзилиши ва жамланиши.**

Қуръони карим Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам даврларида турли буюмларга ёзиб борилган, аммо бир жойга жамланмаган эди. Суралар, оятлар ёзилган тош, тери, хурмо пўстлоғи каби нарсалар ҳар жойда, ҳар кимда тарқоқ ҳолда мавжуд бўлса-да, уларни бир муқова орасига олинмаган эди. Бунинг асосий сабаби иккита бўлган. Биринчидан, саҳобаи киромлар доимо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга бўлишган. Қуръони каримдан бирор нарсани билмай қолишса ёки тушунмовчилик пайдо бўлса, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан дарҳол аниқлаб олиш имкони бўлган. Қолаверса, улар ёддош, хотиралари кучли, дунё юмушлари кам, шу билан бирга, соф араб табиатидаги соғлом ва ишончли кишилар бўлишган. Шу боис у даврда Қуръони каримни бир жойга жамлаб ёзишга эҳтиёж бўлмаган. Иккинчидан, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳаёт эканлар ваҳий давом этиши, янги-янги оятлар тушиб туриши тайин эди. Шу билан бирга, нозил бўлаётган оятлар дам у сурадан, дам бу сурадан, суралар эса баъзиси у ёқдан, баъзиси бу ёқдан бўлар эди. Агар мусҳаф тартиб бериб қўйилса, янги нозил бўлган сура ва оятларни жойлаштириш ҳам мушкул бўлар эди. Шу жиҳатдан, Қуръони каримни бир муқовага жамлаб, «иш битди» дейишнинг иложи ҳам бўлмаган.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафот этганларидан кейин 02.03.11./05.06.632 санада Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху халифа қилиб тайинланди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафотларидан кейин араб қабилаларида Исломдан қайтиш бошланди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху муртадларга қарши жанг бошлади. «Ридда уруши» деб ном олган бу жангларда мусулмонлар кўплаб талофат кўрган бўлсалар-да, нитажасида Ислом уммати ва давлати ер юзида барқарорликка эришди. Бу жанглар орасида Бану Ҳанифа қабиласидан пайғамбарлик даъвоси билан чиққан Каззоб Мусайламага қарши Ямома жанги энг аҳамиятли ва энг катта талофатли уруш бўлди. Холид ибн Валид қўмондонлик қилган бу урушда Ислом аскарлари 12000 киши бўлиб, улардан 1200таси шу жангда шаҳид бўлдилар.



Халок бўлганлардан 85таси Бадрда қатнашган улуғ саҳобалардан, 500таси қорилар эди. Қуръони карим фақат қориларнинг қалбларида жамланиб турган бир пайтда бир куннинг ўзида 500та қорининг оламдан ўтиши мусулмонлар учун жуда ҳам оғир ва хатарли ҳодиса эди. Бу хатарни биринчи бўлиб пайқаган шахс Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳ унинг тилидан гапиради» дея таърифлаган Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху бўлди.

Убайд ибн Саббоқдан ривоят қилинади: «Зайд ибн Собит розияллоҳу анху шундай деди:

«Ямома аҳли жанги кезлари Абу Бакр менга одам юборди. Борсам, Умар ибн Хаттоб унинг ҳузурида экан. Абу Бакр: «Умар олдимга келиб: «Ямома куни қатл қориларни куйдириб юборди. Мен қатл жойларда қориларни куйдириб, Қуръоннинг кўпи йўқолиб кетишидан кўрқмоқдаман. Қуръонни жамлашга буюрсанг, деб ўйлайман», деди. Мен Умарга: «Қандай қилиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаган нарсани қиласан?» дедим. Умар: «Бу, Аллоҳга қасамки, яхшилик», деди. Умар менга такрорлайверди, ниҳоят Аллоҳ бунга менинг ҳам қалбимни очди ва бу тўғрида Умар келган фикрга келдим. Сен ёш, ақлли кишисан. Сендан гумон қилмаймиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳийни ёзиб юрар эдинг. Қуръонни суриштириб, уни жамла», деди. Агар менга бир тоғни кўчиришни буюрганларида, Қуръонни жамлашни буюрганларидан оғир бўлмас эди. Мен: «Қандай қилиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилмаган нарсани қиласизлар?» дедим. У: «Бу, Аллоҳга қасамки, яхшилик», деди. Абу Бакр менга такрорлайверди, ниҳоят Аллоҳ менинг қалбимни ҳам Абу Бакр ва Умарнинг қалбини очган нарсага очди. Қуръонни суриштириб, уни хурмо пўстлари, силлиқ оқ тошлар ва кишиларнинг қалбларидан тўпладим. Ниҳоят «Тавба»нинг охирини – «лақод жаакум»дан «Бароат»нинг охиригачасини фақат Абу Хузайма Ансорийдангина топдим. Ундан бошқасидан топа олмадим.

Сухуф вафот этгунича Абу Бакрнинг ҳузурида, кейин Умарнинг ҳузурида ҳаёти давомида, кейин Ҳафса бинт Умарнинг ҳузурида турди». *Имом Бухорий ривояти.*

Қуръони каримни бир китобга жамлаш илгари бўлмагани, Қуръонни илк жамлаган шахс Абу Бакр розияллоҳу анху экани, бу иш шарқшунослар айтганларидек Қуръонни таҳрир қилиш эмас, фақат бир жойга тўплаб, бир муқовага жамлаш бўлгани, саҳобаи киромлар бу улкан масъулиятли ишни жуда ҳам олий даражадаги омонатдорлик, ўта эҳтиёткорлик билан амалга оширганлари ва бошқа кўплаб тарихий ҳақиқатлар ушбу ривоятдан маълум бўлади.

Абу Бакр розияллоҳу анхунинг буйруқлари билан ким Қуръондан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ёзилган бирор нарса билса, иккита гувоҳ билан келтириши лозимлиги эълон қилинди. Зайд ибн Собит ва Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхумо иккалалари масжид эшиги олдига туриб олиб, мусулмонлардан келтирган битикларини тўплашди. Улар ҳеч бир оятни айнан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ёзилганига ва бу нозил бўлган Қуръон ваҳжларидан бир ваҳж эканига икки гувоҳ келтирилмагунча қабул қилмас эдилар. Агарчи Қуръони каримни ўзлари ва бошқалар ҳам тўла ёддан билсалар-да, ҳар бир оятнинг хатга туширилган нусхасини талаб қилар эдилар. Бу ишга қариб бир йил вақт кетди. Қуръон суралари бирор оят қолмасдан икки муқова орасига жамланди ва халифа Абу Бакр розияллоҳу анхунинг ҳузурларига сақлаб қўйилди. Шунини таъкидлаш лозимки, бу нусхага Қуръони каримни сақлаб қолиш учун ёзиб қўйилган бир масдар сифатидагина қаралар эди. Ҳеч ким ундан ўқимас, ҳеч ким ундан ўрганмас, балки иш аввалгидек қалб ва хотирага, тинглаш ва ёдлашга қаратилган эди. Буни машҳур шарқшунос Ефим Резван ҳам таъкидлаган.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анху 07.06.13/07.08.634 сешанба куни вафот этиб, ўрнига Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху халифа бўлгач, Қуръони карим у кишининг ҳузурига олиб келиб қўйилди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг даврларида фатҳлар кўпайиб, Ислоҳ мамлакати кенгайиб, турли халқлар, элатлар мусулмон бўла бошлагач, Қуръони каримни уларга ҳам таълим бериш зарурати туғилди, натижада айрим қори саҳобалар томонидан мусхафлар ёзила бошлади. Мисол учун, Умар ибн Хаттобнинг даврида Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху кўфаликларга мусхафни имло қилиб берган. Абу Дардо розияллоҳу анху дамашқлик бир неча нафар ҳамроҳлари билан ўзларидаги мусхафни Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Алий ибн Абу Толиб розияллоҳу анхум ва Мадина аҳлига кўрсатиш учун сафар қилиб келганлар. Бироқ, хали саҳобаи киромларнинг аксарлари мавжуд бўлгани, мусулмон уммати набавий асрга яқинлиги боис етарли илмга эга бўлгани учун ҳар ким ўз ўргангани билан кифояланиб бораверди, ихтилоф ва низо ҳам чиқмади. Аммо Усмон розияллоҳу анхунинг даврларига келиб вазият ўзгарди.



– *Қуръони каримнинг Усмон розияллоху анху замонларида ёзилиши ва жамланиши.*

Маълумки, Қуръони карим етти ҳарфда, яъни етти ваҳж – турда нозил қилинган. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам турли қироатларни турли саҳобаларга ўргатганлар. Қуръонга моҳир баъзи саҳобалар барча ҳарф ва қироатларни эгаллаган. Янги-янги фатҳлар бўлиб, Ислом давлати кенгайиб борар экан, саҳобалар турли ўлкаларда у ердагиларга Ислом шариати ва Қуръони каримни ўргатиш учун қолдилар. Уларнинг қироатларидаги турлилик, табиийки, шогирдларига тарқалди ва кишиларнинг қўлларидаги Қуръон битикларида ҳам акс эта бошлади.

Усмон розияллоху анхунинг халифалик даврида Арманистон ва Озарбайжонда олиб борилган жангда Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анху ҳам иштирок этган эди. Қўшинда Шом ва Ироқ мусулмонлари бирга бўлиб қолишган эди. Баъзилари баъзилари билан айрим оятлар хусусида ихтилоф қилиб қолишди. Ҳар ким ўз билганини тўғри, бошқасини нотўғри деб даъво қила бошлади. Ҳатто баъзилари бир-бирини қуфрда айблашига сал қолди. Буни кўрган Ҳузайфа розияллоху анху тездан Мадинага қатиб келди ва халифа Усмон розияллоху анхуни вазиятдан огоҳлантирди.

Тарихчи аллома Ибн Асир ўзининг «Ал-камил фит-таърих» асарида шундай ҳикоя қилади: «Ҳузайфа розияллоху анху Саид ибн Осс розияллоху анхуга: «Мен бу сафаримда бир ишни кўрдим. Агар одамлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, Қуръонда ихтилоф қилишади. Кейин то абад унинг устида қويم бўлишмайди», деди. У: «Нима экан у?» деди. «Мен ҳимсликлардан баъзи одамларни ўз қироатларини бошқаларнинг қироатидан яхши экани ва Қуръонни Микдоддан олганларини даъво қилаётганларини кўрдим. Димашқликларнинг ҳам ўз қироатларини бошқаларнинг қироатидан яхши деётганларини кўрдим. Қўфаликларнинг ҳам шунга ўхшаш гап айтаётганларини кўрдим. Улар Ибн Масъудда ўқишган. Басраликлар ҳам шундай дейишмоқда. Улар Абу Мусода ўқишган ва унинг мусхафини «Ўбабул-қулуб» (қалблар озиғи) дейишади. Улар Қўфага етиб келишгач, Ҳузайфа розияллоху анху одамларга бунинг хабарини берди ва уларни ўзи кўркаётган нарсадан огоҳлантирди. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобалари ва кўплаб тобеинлар у кишининг фикрига қўшилишди».

Кейин Ҳузайфа розияллоху анху Мадинага бориб, халифа Усмон розияллоху анхуга кўрганларини айтди. «Мен бир огоҳлантирувчиман! Уматни ушлаб қолинглар!» деди. Усмон розияллоху анху ҳам саҳобаи киромларни тўплаб, бўлиб турган вазият хабарини айтди. Улар ҳам бу ишдан даҳшатга тушиб кетишди ва Ҳузайфа розияллоху анхунинг фикрларини қувватлашди. Усмон розияллоху анху Ҳафса бинт розияллоху анҳога одам юбориб, Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху даврида ёзилган Қуръонни бериб туришни сўради. Кейин ўша мусхафдан бир нечта нусхаларни кўчиртириб, Ислом марказлари бўлиб турган шаҳарларга биттадан тарқатди. Ҳар бир мусхаф билан бирга биттадан етук қорини ҳам қўшиб юборди. Шаҳар халқи фақат шу мусхаф асосида ўқишларини, барча Ислом уммати мазкур мусхафларга мувофиқ равишда Қуръон ўқиши ва ўқитишига, Қуръони карим оятлари битилган бошқа барча саҳифалар ва мусхафлар қуйдириб юборилишига фармон берилди. Бу билан Қуръони каримнинг ҳам қироат, ҳам китобат йўли билан сақланиб бориши давом этди. Натижада Ислом умматининг бирлиги сақланиб қолди, ихтилофларга барҳам берилди. Мазкур нусхалар нечта бўлгани ҳақида турлича фикрлар бор. Баъзилар еттита, баъзилар тўртта, яна баъзилар бешта, деб айтган. Абу Ҳотим Сижистоний Макка, Шом, Яман, Баҳрайн, Басра ва Қўфага биттадан юборилган, Мадинада биттасини олиб қолинган, дейди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху даврида ёзилган мусхафда суралар ичидаги оятлар тартиб берилган бўлса-да, сураларнинг тартиби берилмаган эди. Усмон розияллоху анхунинг давларида сураларга ҳам Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам таълим берганларидек тартиб берилди. Абу Бакр Сиддиқ давридаги ёзиш Қуръони карим йўқолиб кетмаслиги учун амалга оширилган бўлса, Усмон Зуннурайн давридаги нусха кўчириш Қуръон қироатида пайдо бўлган ихтилофларни бартараф этиш мақсадида бажарилди.

Саҳобаи киромларнинг мазкур нусха кўчиришлари Усмон розияллоху анхунинг давларида у кишининг буйруқлари билан амалга ошгани ҳамда бу ёзувни бутун мусулмон умматига татбиқ қилган киши Усмон розияллоху анху бўлгани учун ушбу хат «Усмон хати», «Усмон расми» деб аталадиган бўлди. Таъкидлаш лозимки, Усмон розияллоху анху Қуръони каримни ёзишда бирорта ихтиро ҳам, ўзгартириш ҳам қилмаган. Балки Абу Бакр



розияллоҳу анҳунинг буйруқлари билан жамланган Қуръондан нусха кўчиртирган, холос. Абу Бакр розияллоҳу анҳу даврида эса Қуръони карим оятларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ёзилганидек ёзиб, бир жойга жамланган. Мусҳаф Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг даврларида эмас, Усмон розияллоҳу анҳунинг даврларида оммага тарқатилиб, татбиқ қилингани учун бу ёзувни у кишининг номи билан боғлаб айтиш одат бўлган ва «Усмон расми» атамаси пайдо бўлган.

Саҳиҳ, ишончли ва машҳур хабарлар шуни кўрсатадики, биринчи кўчиришда ҳам, иккинчи кўчиришда ҳам Қуръони каримдан бирор ҳарф камайган ҳам эмас, кўпайган ҳам эмас. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг даврларидаги амалиёт «жамлаш» бўлган, Усмон розияллоҳу анҳу давридаги амалиёт «нусха кўчириш» бўлган, узилди-юлинди гапларда айтилганидек, «тахрир қилиш» бўлган эмас. Мисол учун айтиш мумкинки, шарқшунос Ефим Ризваннинг Қуръони каримнинг энг қадимги қўлёзмалари устида олиб борган тадқиқотлари натижаси Қуръони каримнинг энг илк нусхаси билан энг сўнги чоп қилинган нусхаси ҳарфма-ҳарф бир хил эканини исботлади, олим тили билан айтганда, «Ғарбда оммалашган, гўёки Қуръони каримнинг бизгача етиб келган тўла матни фақатгина 19-асрдан кейингина шаклланган, деган сафсатани илмий равишда инкор қилиш имконини берди».



## TURKISTONDAGI MUSTAMLAKACHILIKNI MADANIYATGA TA'SIRI

**Avazboyeva Ozoda,**  
Xorazm viloyati Xonqa tumani  
8-maktab tarix fani o'qituvchisi  
Telefon: +998931349686

**Annotatsiya:** ushbu maqolada XIX asr oxiri XX asr boshlarida rus hukumatining o'lkamizda olib borgan mustamlakachilik siyosatini madaniyatimizga ta'siri, ijobiy va salbiy oqibatlar haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** Mustamlakachilik, madaniy meros, O'rta osiyo O'rta osiyo xonliklar

Rossiya mustamlakasiga aylangandan song Rossiya imperiyasi Turkiston xalqini ma'naviy-madaniy jihatdan tutqinlikka solish, o'zining uzoqqa mo'ljallangan manfaatiga bo'ysundirish siyosatini yuritdi. Uning mohiyati, mazmuni mahalliy xalqni uning milliy, tarixiy ildizlaridan uzib tashlash, xalqning ma'naviy, madaniy, tarixiy merosini yo'q qilish, ruslashtirishdan iborat edi.

Turkiston general-gubernatorligining Farg'ona viloyati harbiy-gubernatori Skobelev so'zi bilan aytgandai: «Millatni yo'q qilish uchun uni qirish shart emas, uning madaniyatini, san'atini, tilini yo'q qilsang bas, tez orada o'zi tanazzulga uchraydi» Turkistonda ana shunday yovuz qarashlarga mos siyosat va amaliyot yuritildi. Mustamlakachilar tomonidan o'zbek xalqining boy madaniyati talon taroj qilindi. O'zbeklarning qimmatbaho tarixiy asori atiqalari va boy yozma manbalari Peterburg va Moskvaga tashib ketildi. San'at darajasida ishlangan Muhammad Rahim taxti, Amir Temur maqbarasining naqshinkor darvozasi, undagi bitiklar, oynalar, oltin koshinglar, Ahmad Yassaviy maqbarasidagi naqshinlar, katta qozon («Nazrniyoz qozoni») turli tarixiy buyumlar, noyob kitoblar va boshqalar shular jumlasidandir.

Ma'naviyat va madaniyatning asosiy belgilaridan biri din hisoblanishini yaxshi bilgan mustamlakachilar tomonidan Islom diniga e'tiqod, ruhoniylar, masjid va madrasalar oyoq osti qildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad esa axolini dindan ajratgan holda o'z madaniyatini singdirishdan iborat edi. Rossiya ma'murlari musulmon muassasalari, madrasa ishlariga aralashib, ularning faoliyatini tobora cheklab bordi. Maorif va madaniyat sohasida ruslashtirish siyosati yuritildi. Turkistonlik bolalarni ruslar bilan aralashtirib o'qitish va tarbiyalash g'oyasi ilgari surildi va 1884-yilda Toshkentda dastlabki «rus tuzem maktabi» ochildi.

Rossiya ma'murlari yerli aholi bolalarini «rus-tuzem maktablari»ga jalb qilish, qiziqtirish uchun o'lkadagi mahalliy ma'muriyat boshqaruvida rus tilini bilganlar ishlaydi, degan talabni qo'ydilar. Bu talabdan maqsad «yerlilarda mansabga qiziqib» rus tilini o'rganish, ruslashish manfaatini uyg'otish edi. Rus tilini bilgan mahalliy aholi vakil la riga imtiyozlar yaratildi. Shu tariqa, o'lkada ish yuritish asta-sekin rus tiliga o'tkazila bordi. Mahalliy aholiga Rossiyaning ulug'vorligini ko'rsatish, yevropacha turmush tarziga qiziqtirish uchun Rossiyaning markaziy shaharlariga sayohatlar uyushtirildi. Katta yoshdagilarni, shuningdek, yoshlarni guruh-guruh qilib, Peterburg, Moskva va boshqa shaharlarga olib borib, oq podshohning qudratini, baland imoratlar, ishlab chiqarish korxonalarini ko'rsatishadi. Mustamlakachilar syo hatchilar o'z yurtiga qaytib borgach, Rossiyaning ulug'vorligi haqida vatandoshlariga so'zlab beradi, Rossiya tarkibida bo'lganidan g'ururlanadi, degan maqsadda edilar. Bu tadbirlar ruslashtirish manfaatlarini ko'zlab uyushtirilardi.

Ma'naviyat va madaniyatning asosiy belgilaridan biri din hisoblanishini yaxshi bilgan mustamlakachilar tomonidan Islom diniga e'tiqod, ruhoniylar, masjid va madrasalar oyoq osti qildi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad esa axolini dindan ajratgan holda o'z madaniyatini singdirishdan iborat edi. Rossiya ma'murlari musulmon muassasalari, madrasa ishlariga aralashib, ularning faoliyatini tobora cheklab bordi. Maorif va madaniyat sohasida ruslashtirish siyosati yuritildi. Turkistonlik bolalarni ruslar bilan aralashtirib o'qitish va tarbiyalash g'oyasi ilgari surildi va 1884-yilda Toshkentda dastlabki «rus tuzem maktabi» ochildi. Mustamlakachilarning yerli aholi turmushiga ma'naviy-ruhiy taz yiq o'tkazish dasturida o'lka xotin-qizlarini ruscha hayot tarziga o'rga tish masalasiga alohida o'rin berilgan edi. Shu maqsadda, shaharlarda xotin-qizlar ambulatoriyalari tashkil etilib, ularda rus shifokorlari faoliyat ko'rsatdi

Albatta ushbu amalga oshirilgan ishlarning asl maqsadi o'zbek xalqiga rus madaniyatini singdirish orqali o'z madaniyatidan uzoqlashtirishdan iborat bo'ldi. Xulosa o'rnida aytish



mumkinki, rus hukumati mustamlakachilik siyosati bosqichma bosqich amalga oshirdi. Bundan ko'zlangan maqsad esa xalqni ma'naviyatidan ayrish, o'zliklarini unutishlari uchun yangicha madaniyatni olib kelishdi Shuni ham tan olish kerakki mustamlakachilar tomonidan o'lkaga ko'plab kommunikatsiya, texnika yangiliklari va ilm fan kirib kelganini tan olish kerak. Lekin ular yetkazgan ziyon olib kelgan yangiliklardan ancha ko'p edi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov takidlaganidek «Bu salbiy oqibat tashqaridan olib kirilgan sivilizatsiya natijalaridan ko'ra bir necha barobar ortiq edi»

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bog'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. – T.: «O'zbekiston». 1997. 55-bet.
2. Q. USMONOV, M. SODIQOV S. BURXONOVA "O'ZBEKISTON TARIXI" Toshkent «IQTISOD-MOLIYA»2016



## MUHAMMAD ZOHID AL-KAVSARIY HAYOTI VA IJODI

**Habibiddinov Boburshoh Abduvali o'g'li**  
O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi magistranti

**Annotasiya:** ushbu ilmiy maqolada XIX asrda tug'ilib XX asrning birinchi yarmigacha ijod qilgan jabardast olim Muhammad Zohid al-Kavsariyning hayoti va ijodi haqida ilmiy tahlil olib borilgan.

**Kalit so'zlar:** Doru'l-hadis, takvimul-buldon, Kavoidu'l-E'rob, sarf, nahv.

Kavsariyning to'liq ismi Muhammad Zohid ibn Hasan Hilmi al-Kavsariy al Duzjaviydir. U “Al-Kavsariy” unvonini bobosi Kansu va katta bobosi Kavsardan olgan, ular orasida yetti avlod bo'lgan. Muhammad Zohid Kavsariy hijriy 1296-yil (milodiy 1879)da seshanba kuni ertalab Duzjadan uch mil uzoqlikda, o'sha paytda otasining nomi bilan atalgan Hoji Hasan afandi qishlog'ida tug'ilgan.<sup>1</sup> Bugungi kunda bu qishloqning nomi Chalijuma deb o'zgartirilgan. Kavsariy, Kavkazdan ko'chib kelgan va ilgari Bolu tumani bo'lgan Duzjada qo'nim topgan cherkes oilasiga mansub edi. Otasining ismi Hasan Hilmi al-Kavsariy (1831-1929)dir.

Muhammad Zohid Kavsariy fiqh hadis ilmlarini otasi Hasan bin Ali al-Kavsariydan olgan. Ilmlarni ilk bor otasidan olgan Kavsariy, Duzjadagi Rushdiya maktabida o'qiydi. Shayh Muhammad Nozim Afandidan sarf, nahv, tarix, riyoziyot (matematika), fors tili, takvimul-buldon (geografiya) va ba'zi shar'iy ilmlarni o'rgangan. Kavsariy Rushdiyada o'qiyotganda otasining uzoq yillik do'sti bo'lgan Duzja muftiysi Uskubli Husayn Vojih afandidan bir oz cholg'u ilmlarini olgan va o'z davrining yetakchi olimlaridan biri bo'lgan Shaban Favzi Afandining darslarida qatnashgan. Rushdiyani tugatgandan so'ng, Kavsariy o'n besh yoshida Duzjani tark etadi va 1893-yili Istanbulga keladi. Bu yerda Qoziaskar Hasan Afandi asos solgan Doru'l-hadisda ta'lim ola boshlaydi.<sup>2</sup>

Doru'l-Hadisda ilm o'rganayotgan Kavsariy tashqaridan ham saboq ola boshlaydi. Avvaliga, amakisi Sherozli Hofiz Mustafo Kozim al Kavsariydan arab tili va grammatikasiga aloqador “al-Kofiya, Kavoidu'l-E'rob, Aruzu'l-Andulusiy, Sharhu'l-Abyati's Sab'a.” kabi o'sha davrning mashhur va muhim asarlarini o'qigan. Kavsariy Fotih masjidida Chekmejeli Ismoil Zuhdi Afandining “An-Natoij” va “Sharhu'l-Minya”sini o'qigan, Robalzoda Yusuf Ziyoeiddin Afandidan “al-Musalsal bi'l-Avvaliyya”ni tinglagan. Robalzoda Yusuf Ziyoeiddining shogirdlaridan bo'lgan Alloma Muhammad Xolis ash-Shirvoniydan “Mukamotu'l-Haririy, Muxtasaru'l-Ma'oniyy, Mir'atu'l Usul va Sherhu'd-Devoniy” asarlarini, Muhaqqiq Ahmad Ramzi al-Shahriydan “Al-Mutavval” asarlaridan ta'lim olgan.<sup>3</sup>

Karinobodlik Xalil afandidan “Sharhu'l-Vad'iyya”ni o'qigan Kavsariy, tasavvuf shayxi Kastamonu shayxi Hasan Hilmiydan “Ramuzu'l-Ahad'iy”ni o'qib, ijoza olgan. Ali Rizo al-Faqri as-Sa'diyning “Lujjatu'l-Asror”, Shayx Muhammad As'ad Dada al-Mavlaviyning “Al-Jome” asarining “Sharhu'r-Rubaiyyat” qismini, Hofiz Shiroziyning “al-Devon” asaridan bir qisimini o'qidi va Silistrlik Hoji Salim afandidan “As-Sirojiyya” asaridan ta'lim olgan.<sup>4</sup>

Kavsariy Istanbulda talabalik davrida bahramand bo'lgan va uning ilmiy shaxsining shakllanishida katta rol o'ynagan Eginlik Ibrohim Haqqidan to o'limiga qadar ilm o'rgangan.

### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Hayri, Ahmed, el-Imam el-Kevseri, el-Mektebetu'l-Ezheriyye li't-Turâs, Kahire 1999.
2. Özafşar, Mehmet Emin, Muhammed Zâhid El-Kevserî Hayatı Eserleri Fikirleri ve Hadisçiliği, Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü 1989.
3. Albayrak, Sadık, Son devir Osmanlı Uleması, Milli Gazete Yayınları, İstanbul 1981.
4. Kevserî, İrgamü'l-Merîd fî Şerhi'n-Nazmî'l-Atîd li Tevessülü'l-Mürîd bi Rıcâli't-Tarîkati'n-Nakşibendiyyeti'l-Hâlidîyyeti'd-Dıyâiyye, el-Mektebetü'l-Ezheriyye li't-Turâs, Kahire t.y.
5. M.Ali Yargi. Muhammad Zahid el-Kavsariy. Istanbul, 2010.

1 Hayri, Ahmed, el-Imam el-Kevseri, el-Mektebetu'l-Ezheriyye li't-Turâs, Kahire 1999, s. 5

2 Özafşar, Mehmet Emin, Muhammed Zâhid El-Kevserî Hayatı Eserleri Fikirleri ve Hadisçiliği, Yayımlanmamış Yüksek Lisans Tezi, Ankara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü 1989, s. 24.

3 Albayrak, Sadık, Son devir Osmanlı Uleması, Milli Gazete Yayınları, İstanbul 1981, IV, 138.

4 Kevserî, İrgamü'l-Merîd fî Şerhi'n-Nazmî'l-Atîd li Tevessülü'l-Mürîd bi Rıcâli't-Tarîkati'n-Nakşibendiyyeti'l-Hâlidîyyeti'd-Dıyâiyye, el-Mektebetü'l-Ezheriyye li't-Turâs, Kahire t.y., s. 84.



## INNOVATION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB TARIX DARSLARINI SAMARALI TASHKIL QILISH

**Yakubova Sarvinoz Baxtiyorjonovna**

Farg'ona viloyati Quvasoy shahar

28-umumiy o'rta talim maktabi

Tarix fani o'qituvchisi

**Annotatsiya:** ushbu maqolada ta'lim tizimida tarix fanining o'qitishning zamonaviy innovatsion usullariga oid fikrlar berilgan.

**Kalit so'zlari:** tarix, pedagogik texnologiya, programmalashtirilgan o'qitish.

O'zbekiston Respublikasining istiqloli ajdodlarimizning tarixiy an'analari va ma'naviy merosiga suyanagan holda, kelajakni belgilab berishning asosiy tamoyili hisoblanadi. Bu jarayonning uzviyligi O'zbekiston xalqining tarixiy an'analari va ma'naviy boyliklarini yanada yuksaltiruvchi omildir. Bu esa tarix o'qitishni milliy an'analari asosida yo'lga qo'yish, yoshlarni xalqimizning mehnatsevarlik, do'stlik, mehmondo'stlik, ma'rifatparvarlik kabi an'analari, Vatanga hamda xalqqa sadoqat kabi oliyjanob fazilatlarini asosida tarbiyalashga qaratilmog'i zarur.

Tarix fanini o'rganish asosida o'quvchilar mintaqamizda qadimdan o'nlab millat va elatlar tinch-totuv, yonma-yon yashab kelayotganligi, ular tarixning barcha bosqichlarida ajnabiy bosqinchilar zulmiga qarshi mardona bo'lib kurash olib borganligi, o'zbeklarning boshqa millat va xalqlarga alohida hurmat bildirganligi, millatlararo qardoshligi va do'stlikni muqaddas deb ardoqlaganligini hamda hozirgi innovatsion g'oyalar jadallik bilan rivojlanayotgan zamonda yana bir bor sinovdan o'tayotganligini singdirish o'qituvchi vazifasidir.

Ta'lim tizimida o'quvchi O'zbekiston va jahon tarixini o'qitish asnosida uning tubdan yangilangan mazmunini, tarixiy davrlarni mukammal o'rganish, ta'lim va tarbiya olish Vatanga muhabbatni uyg'onishi va shakllanishida, kelajakda komillikka erishish orqali ajdodlarga mos avlod bo'lishni bilib oladi.

Tarixni o'rgatishda va o'quvchiga moziylik tez va aniq yetib borishda interfaol usullar va innovatsiyalar muhim ahamiyat kasb etmoqda. Jumladan, interfaol usullardan programmalashtirilgan o'qitish usulidir.

Programmalashtirilgan o'qitish texnologiyasini ilmiy asoslash bir qator ta'limiy programmalarini farqlash imkoniyatini beradi:

**Ravon programmalar** - bunda tarix fanini o'qitishda nazorat topshiriqlari va o'quv axborotlarining almashinib turuvchi u qadar katta bo'lmagan bloklari ketma-ketligidir. Ravon programmada ta'lim oluvchi to'g'ri javob berishi shart, ba'zan ehtimol deb topilgan javoblardan birini shunchaki tanlaydi. To'g'ri topilgan javobda u yangi o'quv axborotiga ega bo'ladi, agar javob to'g'ri chiqmasa, axborotni qaytadan o'rganishga tavsiya etiladi.

**Tarmoqlanuvchi programma**- Ta'lim oluvchi tarix fanidan noto'g'ri javob berganda, unga qo'shimcha o'quv axboroti beriladi va u ta'lim oluvchiga nazorat topshiriqlarini bajarish, to'g'ri javob qaytarish va o'quv axborotlarining yangi bo'laklarini olish imkoniyatini beradi.

**Soddalashtirilgan programma**- U ta'lim oluvchiga tarix fanidan yangi o'quv materialini murakkablik darajasiga qarab tanlab olish, uni o'zlashtirish jarayonida u yoki bu tarzda o'zgartirish, oddiy ma'lumotnoma, lug'at va qo'llanmalardan foydalanish imkoniyatini beradi.

**Aralash programma**- U ravon, tarmoqlanuvchi, soddalashtirilgan programma bo'laklarini o'zida qamrab oladi.

**Algoritm**. U aqliy va amaliy tadbirlar izchilligini belgilovchi tafsilotdir. U o'qitishning mustaqil vositasi hamda ta'limiy programmalarining qismi bo'lishi mumkin.

**Blokli o'qitish**. Bu moslashuvchan programma asosida o'quvchilarning turli-tuman intellektual tadbirlar va egallagan bilimlaridan o'quv vazifalarini yechishda foydalanish imkoniyatlarini ta'minlaydi.

Shu asosd tarix fanini o'qitishda programmalashtirilgan o'quv texnologiyasi o'quvchini qiziqitirish, unga imkon berish xususiyati bilan farq qiladi. O'quvchilar bunda ko'proq ma'lumotni bilib olishga erishadi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, tarix fanini o'qitishda interfaol texnologiyalardan foydalanish o'quvchilarda bilim, ko'nikma, malakalar hosil qilishda va kompetensiyalarni



mukammal egallashlarida qulayliklar tug‘dirib, keyinchalik ularda hayotiy tajribalarni hosil bo‘lishiga yordam beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Hamroyeva S.I. Tarix fanini o‘qitish metodikasi. – Navoiy.: 2015
2. Sagdiyev A. va boshqa. Tarix o‘qitish metodikasi. – T.: 2008



## TARIX DARSLARIDA O‘QUVCHILARGA TURKISTONDAGI MILLIY-OZODLIK HARAKATINING BOSHLANISHI, UNING SABABLARI MAVZUSINI O‘RGATISH YUZASIDAN USLUBIY TAVSIYALAR

**Bozorova Baxora Sayfulloyevna**

Navoiy viloyati Qiziltepa tumani

17-umumta’lim maktabi


tarix fani o‘qituvchisi

**Annotatsiya:** tarix darslari orqali o‘quvchilar ongida vatanga muhabbat, mustaqillik va ozodlik g‘oyalarini singdirish, milliy-ozodlik harakati haqidagi tushunchalarini kengaytirish va ushbu mavzuni o‘quvchilarga o‘rgatish usullari uslubiy tavsiyada o‘z aksini topgan.

**Kalit so‘zlar:** ozodlik va milliy mustaqillik uchun kurash, fuqarolik urushi....


Tarix - voqealar guvohi. Moziydan darak beradigan manbalarning qay biri sahih, qay biri yolg‘onligini ajratish ham quduq tubidan ignani topishdek gap ekanligi hech birimizga sir emas. Tarix labirinti aro haqiqatni tanlay bilish zukko kitobxonning ixtiyorida qoladi albatta. Tarixiy manbalarda Turkiston o‘lkasi xalqlarining Sovetlar bosqiniga qarshi milliy-ozodlik va istiqlochlilik harakatining boshlanish va uni davrlashtirish bo‘yicha har xil fikr xulosalar ilgari surilishi fikrimizni tasdiqlaydi. Jumladan, Sovetlar tarixshunosligida o‘lkamiz xalqlarining ozodlik va milliy mustaqillik uchun kurashi davrini ko‘r-ko‘rona grajdanlar urushi davri deb qaraldi, Rossiyadagi fuqarolar urushi davridan aynan ko‘chirib olindi. Holbuki bu tarixiy haqiqatga mutlaqo to‘g‘ri kelmaydi. Bu borada ham tarixiy voqealarga xolisona berilgan to‘g‘ri bahoni xorijda chop etilgan manbalardan topamiz. Jumladan vatandoshimiz Boymirza Hayitning “Bosmachilik”: “Turkistonda 1917-1934 yillardagi milliy kurash” kitobida o‘lka xalqlarining milliy-ozodlik, va mustaqillik kurashi davrini to‘g‘ri va aniq belgilaydi. Uning fikricha, Turkiston xalqlarining milliy-ozodlik uchun jangovar kurashi 1934 yilning o‘rtalariga qadar davom etgan. Bu katta davr ikki bosqichga bo‘linadi. **1. 1918 yil fevral-1924 yilgacha. 2. 1924 yildan 1934 yilgacha.**

Sovetlar davrida chop etilgan adabiyotlarda esa o‘lka xalqlarning milliy-ozodlik va istiqlochlilik harakatining mohiyati buzib, soxtalashtirilib “bosmachilik” deb ataldi va sabablari bir yoqlama yoki juda toraytirilib ko‘rsatildi. Taniqli rahbar xodim G. Safarov o‘z asarida “bosmachilik” harakatini mustamlakachilarga qarshi qaratilgan milliy kurash deb atagan. Mahalliy millat vakillaridan Nizomiddin Xo‘jaev, Turor Risqulov, Sanjarbek Asfandiyorov, Nazir To‘raqulov, Qaygiz Otaboev, Abdurauf Fitrat, Usmonxon Eshonxo‘jaev, Inomjon Xidiraliev, Rahim Inog‘omov va boshqalar ham “bosmachilik”ning mohiyatiga to‘g‘ri baho berganlar va uni milliy ozodlik va istiqloql uchun kurash deb talqin etganlar. Shu boisdan ham ular 30-yillarda qatag‘on qilichidan o‘tkazilganlar. Turkiston tarixining bilimdoni, «bosmachilik urushi» ishtirokchisi Axmad Zakiy Validiy esa bu harakatni “Bosmachilik harakati Turkistonda 1918-1923 yillar oxirida faol harakatlarga ega holda butun quvvatini o‘ziga jalb etib o‘rtaga chiqqan muazzam ozodlik harakatidir” deya baholaydi. Bu milliy harakatning bosh qo‘mondonlaridan biri Shermuhammadbekning aytishicha, “bosmachilik Turkiston istiqloli uchun bir yoqadan bosh chiqargan vatanparvarlarning harakatidir. Bu harakat- Chingiziylarning, Temuriylarning, Ulug‘beklarning, Navoiylarning yurtini Moskov tahdididan xalos etish demakdir”. Shermuhammadbekning ukasi Nurmuhhammadbek qo‘rboshi ta’rificha, “bosmachilar” “mudofaai Vatan, mudofaai Din, mudofaai Millat” shiori ostida harakat qilganlar. Barcha fikr-xulosalarni umumlashtirib xulosa qiladigan bo‘lsak, Turkiston o‘lkasi xalqlarining milliy-ozodlik va mustaqillik uchun qurolli kurashga otlanishiga sabab bo‘lgan asosiy omillar quyidagilardir:





Xullas, istiqlolchilik harakatining, milliy kurashning asosiy harakatlantiruvchi kuchi dehqonlar, chorikorlar, mardikorlar, hunarmandlar va kosiblar edi. Istiqlolchilar safida oq-qorani tushungan savodxon kishilar-ziyolilar ham ko'pchilikni tashkil qilardi. Bir so'z bilan aytganda, istiqlolchilar safida xalqning barcha tabaqasiga mansub kishilar bor edi. Ushbu mavzuni o'rganishda quyidagi usullarni tavsiya etmoqchiman.



**Qora quti” usuli** o'quvchilarga mavzuni o'zlashtirishi uchun juda samarali usuldir. Ushbu usul vositasida juftlik asosida quyidagi harakatlar tashkil etiladi: o'quvchilar navbat bilan boshqaruvchi rolini bajaradilar. Sinf taxtasiga mashg'ulotda o'rganilgan mavzu yuzasidan savollar yoziladi, dastlab boshqaruvchi rolini bajarayotgan o'quvchi qayd etilgan savollarga asosiy tushunchalar kiritilganligini tekshiradi. So'ngra o'quvchilardan sinf taxtasida yozilgan savollarga javob so'raydi, to'g'ri javob bera

olgan o'quvchi boshqaruvchi lavozimimi bajaradi. O'quvchilarda boshqaruvchilik qobiliyatini oshirish va sinfdan boshqaruvchi bo'lish uchun qora qutiga tushmaslik, ya'ni, savollarga to'liq javob berishga intilish, mavzuni diqqat bilan tinglash va mustaqil ishlash ko'nikmalarini shakllantirish ushuni bu usul samaralidir.

«Yumaloqlangan qor o'yini» usuli ham mavzuni o'rganish uchun ma'qul usul. Bunda o'quvchilar kichik guruhlariga bo'linib, raqamlangan va yumaloqlangan qor shaklidagi tarqatmalardan birini tanlashadi va raqib guruhga uzatishadi. Raqib guruh a'zolari savollarga javob topa olsa, ikkinchi yumaloq qor shaklidagi savolni birinchi jamoaga taqdim etishadi. O'yin shu tarzda davom ettiriladi.

Tarix darslarini erkin fikrlash mashg'uloti sifatida tashkil etish maqsadga muvofiq deb o'ylayman. O'quvchi nutqini shakllantirish, o'zi uchun mavhum bo'lgan tushunchalarni tengdoshlari va o'qituvchi ko'magida o'rganib olish imkoniyatini yaratuvchi mashg'ulotlar, albatta, mustaqil fikrlaydigan, zamon bilan hamnafas yoshlarni tarbiyalashimizda bizga ko'makchi bo'ladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. 9-sinf O'zbekiston tarixi darsligi
2. Shamsutdinov Rustambek. «Bosmachilar» kim bo'lgan? «Fan va turmush», 1997 yil
3. Kitob.uz va telegram materiallaridan foydalanildi.



## TARIX DARSLARIDA JADIDCHILIK VA JADIDLARNING ILM-FAN YO'LIDAGI HARAKATLARINI O'RGANISH MAVZUSI YUZASIDAN USLUBIY TAVSIYALAR

**Hamroyeva Umida**

Navoiy viloyati Nurota tumani

27-umumta'lim maktabi

tarix fani o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Turkiston hududida jadidchik harakati, bu harakat vakillarining ilm-fanni rivojlantirish uchun qilgan sa'y-harakatlarini o'quvchilarga o'rgatish usullari ushbu uslubiy tavsiyada aks etgan.

**Kalit so'zlar:** jadidchilik, mustamlakachilik, islohotlarga intilish, ma'rifatparvarlik, Qur'oni karim, matematika, geografiya, ona tili, rus, arab tillari...

O'zbek xalqi qadimdan ilmni ulug'lagan, ma'rifat sari intilgan millat hisoblanadi. XIX asr oxiri - XX asr boshlariga kelib esa millat taqdiriga tahdid soluvchi o'ta qaltis va og'ir ichki tarixiy muhit paydo bo'ldi. Bir tomondan, Rossiya imperiyasi mustamlakachiligi siyosiy jihatdan mustahkamlandi. g'ururini sindirish, o'zligini yo'qotishdek, o'ta razil siyosatni kuchaytirdilar. Ikkinchi tomondan esa, millat va xalqimiz o'z siyosiy, ma'naviy huquqlari, erki va xohish-irodasini yo'qotdi. Uchinchidan, umuman musulmon mutaassibliki kuchaydi. Millatning ijtimoiy-siyosiy va iqtisodiy ahvoli hamda ma'naviyati tubanlashdi. Buning ustiga ustak, din peshvolari orasidagi mutaassiblarda yangilikka, dunyoviy ma'rifat va taraqqiyotga qarshilik ham avj oldi. Bu esa, Islom dini hamda shariatiga mutlaqo zid ravishda avj oldi. Millat va xalqimiz mana shunday ikki tomonlama o'ta ayanchli va xavfli ijtimoiy-siyosiy muhit hamda vaziyatga duch kelgan bir paytda musulmon ziyolilar din homiylari orasidan yangi bir taraqqiyparvar guruhning harakati paydo bo'ldi. Ular «jadid» degan ulug' nomga muyassar bo'lgan holda, Millat va Vatan, musulmon xalqlari uchun ma'naviy qalqon bo'lib, kurash maydoniga otilidilar. Jadidlar millatni bo'yin egishxavfidan qutqarishning birdan-bir to'g'ri yo'li avval tarbiya va ma'rifat, so'ng islohot ekanligini juda to'g'ri anglab yetdilar. Shuning uchun millat va xalqni g'alayon va qo'zg'olonga, inqilobiy buzg'unchilik, yovvoyilikka da'vat etmadilar. Aksincha, ularni diniy-dunyoviy ma'rifat, ilm-fan, madaniyat va yangiliklar bilan qurollantirib tarbiyalash, o'zligini anglatish, ijtimoiy-ma'naviy g'aflat uyqusidan uyg'otib, turmush tarzi, tafakkuri, ma'naviyati, madaniyati, adabiyoti va maorifini o'zgartirishga bel bog'ladilar. Abdulla Avloniyning ushbu hikmati jadidlar uchun asosiy e'tiqod va amaliy faoliyat dasturi bo'lib qoldi: “Tarbiya bizlar uchun yo hayot – yo najot, yo halokat – yo saodat, yo falokat masalasidir”.


Bizning o'lkamizda jadidchilik harakatining paydo bo'lib, rivojlanishida qrimlik Ismoilbek Gaspirlining hissasi behad katta bo'ldi. U Qrimda Rossiya bosib olgan musulmon xalqlari orasida birinchi bo'lib jadidchilikka asos soldi. Uning rus va turkiy tillarda chop etilgan “Tarjimon” gazetasi, “Rossiya musulmonligi”, “Ovropa madaniyatiga bir nazar muvozzini” va boshqa asarlari hamda jadid maktabi uchun yozgan darslik va qo'llanmalari Turkistonga tez kirib keldi. Ismoilbek Gaspirlali 1884-yilda “Tarjimon” gazetasi orqali musulmonlarga qarata shunday murojaat qiladi: “Suyukli do'stlarim, bizning uchun eng go'zal ish ilm va maorif ishidir. Eng muqaddas intilish ilmga, maorifga intilishdir. Chunki insonni inson etgan mehnat va bilimdir. Bilim madaniy turmushga yetishish vositasidir.”

Jadid maktabida diniy va dunyoviy ta'lim-tarbiya hamda ilm o'zaro uyg'unlashtirildi. Bolalar qulay partalarda o'tirib, xarita va rasmlar yordamida tez savod chiqardi va diniy- dunyoviy ilmlarni o'rgandi. Jadid maktablarida Qur'oni karim, matematika, geografiya, ona tili, rus, arab tillari, ashula va hatto jismoniy tarbiya o'qitila boshlandi. Jadid maktablari to'rt (boshlang'ich) va yetti yillik edi. Masalan, Munavvarqori Abdurashidxonovning yetti yillik maktabini bitirgan yoshlar dunyoviy ilmlarni, rus tilini yaxshi o'zlashtirgan holda jadid maktabida o'qituvchi, maschitlarda imom bo'lish, madrasa va hatto, xorijdagi dunyoviy oliy o'quv yurtlarida o'qish, savdo va boshqa korxonalarda kotib bo'lib ishlash malakasiga ega bo'lganlar. Bunday yetti yillik maktablar Toshkentdan tashqari, Qo'qon, Samarqand kabi yirik shaharlarda ham ochiladi. Tarixda birinchi bo'lib, jadidlar o'quvchilarga kundalik, chorak va yillik baholar qo'yishni joriy etdilar. O'quvchilar sinfdan-sinfga o'tish va bitirish uchun jamoatchilik oldida ochiq chorak, yillik va bitiruv imtihonlarini topshirganlar.



Ushbu mavzuni o'rgatishga quyidagi usullardan foydalanish samaralidir.

**“Mantiq va ma'rifat” usuli.** Bu usulda o'quvchilar 2 guruhga ajratilib, savollar bilan murojaat qiladi va javoblar birgalikda muhokama qilinadi.



### “Qo'shimcha ma'lumot izlayman” usuli

O'quvchilarga darslikda yo'q ma'lumotni topib kelish uyga vazifa qilib beriladi. O'quvchilar kutubxonadanmi yoki internet orqalimi ana shunday ma'lumot topib kelgan bo'lsa, guruhiga qo'shimcha “rag'bat” olib beradi. Bu usul orqali o'quvchilarni tarixiy ma'lumotlarga bo'lgan qiziqishlarini oltirirish mimkin.

**“Besh bosqichli konspekt” usuli.** Bunda 1 dan 5 gacha bo'lgan raqamlarda raqamlar qiymaticha ma'lumotlar, ya'ni, 1ga bitta, 2ga ikkita, 3ga uchta, 4ga to'rtta, 5 ga beshta ma'lumot – jami 15ta ma'lumot saralanadi. Barcha raqamlardagi ma'lumotlar faqat bir axborotni tashkil etishi, va ketma-ket izchillikni tashkil etgan bo'lishi kerak. Buning uchun o'qituvchi mavzuni rejalashtirib, shu rejalarni guruhlariga tarqatishi va o'sha rejalar “besh bosqichli konspekt” qilinishi lozim.

Oldimizda turgan asosiy vazifa esa har bir o'quvchiga puxta va chuqur bilim berish, tarix faniga qiziqishini oshirish, ularning har tomonlama rivojlanishlarini ta'minlashdan iborat. Shuni unutmagan holda har bir darsni fanlararo bog'liqlik asosida tashkil etish barchamizning asosiy vazifamizga aylanishi lozim.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Darliklar bo'yicha qo'llanmalar
2. “Ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar” Toshkent – 2014)
3. Ziyo.uz



## МАМЛАКАТИМИЗДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОHASIDA ISLOHATLAR

**Musayeva Gulmira Ulugbekovna**

Shovot tuman 1-son kasb hunar maktab

Tarix fani o'qituvchisi

**Annotatsiya.** Maqolada jismoniy tarbiya va sport sohasiga oid qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlar jismoniy tarbiya va sport sohasidagi munosabatlarni tartibga solish bilan birga bu sohani yanada rivojlantirishning huquqiy asosini, shu sohada olib borilayotgan islohatlarni mazmun-mohiyatini hamda jismoniy tarbiya va sport sohasini yanada rivojlantirishdagi davlat siyosatini belgilab berishi yoritilgan.

**Tayanch so'zlar:** jismoniy tarbiya, sport, huquq, normativ-huquqiy hujjat, davlat, siyosat, qonun, qaror.

Mamlakatni dunyoga tez tanitadigan sohalardan biri bu sport hisoblanadi. Jismoniy tarbiya va sport sohasiga e'tibor mamlakat mustaqilligining ilk davrlaridan qaratilgani bejiz emas, albatta. Chunki 1991-1992 yillarda sanoqli qonun hujjatlari qabul qilingan edi. Shular qatori 1992 yil 14-yanvarda qabul qilingan “Jismoniy tarbiya va sport” to'g'risida O'zbekiston Respublikasining qonunini olishimiz mumkin.

Hozirgi kungacha bir qancha me'yoriy hujjatlar qabul qilindi. Shulardan ayrimlariga to'xtalib o'tamiz. 2015 yil 4-sentyabrda qabul qilingan “Jismoniy tarbiya va sport” to'g'risida (yangi taxrirda) O'zbekiston Respublikasining qonuni, 2017 yil 3 iyun PQ-3031-son O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi qarori, 2018 yil 5 martdagi PF-5368-sonli Jismoniy tarbiya va davlat boshqaruv sohasida davlat boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida farmoni, Vazirlar Mahkamasining 13 fevral 2019 yil 118-soli 2019-2023 yillarda O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida qarori va boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlar jismoniy tarbiya va sport sohasini yanada rivojlantirishdagi davlat siyosatini belgilab beradi.

Yuqoridagi qonun va qonunosti hujjatlari jismoniy tarbiya va sport sohasidagi munosabatlarni tartibga solish bilan birga bu sohani yanada rivojlantirish maqsadida olib borilayotgan islohatlarni mazmun-mohiyatini belgilab beradi. Bular quyidagilarda namoyon bo'ladi.

1992 yilda “Jismoniy tarbiya va sport” to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi qonunining qabul qilinishi mazkur soha bilan bog'liq turli masalalarning tartibga solinishida huquqiy asos bo'lib xizmat qildi. Ushbu qonun 28-moddadan iborat edi. 2015 yil 4 sentyabrda “O'zbekiston Respublikasining jismoniy tarbiya va sport to'g'risida”gi (yangi tahrirda) qabul qilindi. Ushbu qonun 8-bob, 47-moddadan iborat bo'lib, ko'p masalalarga oydinlik kiritilgan. Masalan, vazirliklarning jismoniy tarbiya va sport rivojida vakolatlariga aniqlik kiritilgan, sportchi pasporti masalalari belgilab qo'yilgan. Fuqarolarning jismoniy tarbiya va sport sohasidagi huquqlari xususan, mazkur qonunga muvofiq O'zbekiston Respublikasi fuqarolari jinsi, irqi, millati, tili, dini, ijtimoiy kelib chiqishi, e'tiqodi, shaxsiy va ijtimoiy holatidan qat'iy nazar, jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanish, jismoniy tarbiya-sport jamoat birlashmalarini tuzish, jismoniy tarbiya-sport harakatini boshqarishda ishtirok etish huquqiga ega ekanliklari belgilab qo'yilgan. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 3031-sonli qarori asosan jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirishga qaratilgan. unda Yurtimizda o'quvchi va talaba-yoshlar o'rtasida tobora ommalashib borayotgan, uch bosqichli «Umid nihollari», «Barkamol avlod», Universiada sport musobaqalarini yanada rivojlantirish va bu orqali yoshlarni sportga keng jalb qilishga varatilgan. Eng muhimi, ushbu musobaqalar yoshlarimizni ommaviy tarzda sportga, sog'lom turmush tarziga oshno qilish vositasiga aylandi. Ushbu qaror bilan O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish dasturi tasdiqlanib, unga muvofiq keng ko'lamli, aniq maqsadli ishlar amalga oshirilishi ko'zda tutilgan. Jumladan, dasturga muvofiq: «Sportchi» lavozimi joriy etilishi, ta'lim muassasalari sport inshootlarida darsdan so'ng o'quvchi va talabalar uchun sport to'garaklari hamda sport klublari faoliyatini tizimli tashkil etish va boshqarishni yo'lga qo'yish maqsadida sport turlariga ixtisoslashtirilgan bolalar-o'smirlar sport maktablarida hamda bolalar-o'smirlar sport maktablarida «Sport to'garagi va seleksiya bo'yicha trener» lavozimini kiritish



belgilangan. Mazkur lavozimni joriy etish orqali ta'lim muassasalarida tashkil etiladigan sport to'garaklari bilan qo'shimcha ravishda minglab o'quvchi va talabalarni qamrab olishga erishiladi hamda ularga sport bilan muntazam ravishda shug'ullanishlariga qulay imkoniyatlar yaratiladi. Bundan tashqari, «Jismoniy tarbiya va sport a'lochisi» ko'krak nishonining ta'sis etilishi esa soha fidoyilari mehnatini yanada munosib rag'batlantirishga xizmat qiladi. Dasturga ko'ra, o'quvchi va talaba-yoshlar o'rtasida o'tkaziladigan uch bosqichdan iborat «Umid nihollari», «Barkamol avlod» va Universiada sport o'yinlari dasturlarini sportning ommaviy turlari hisobiga kengaytirish, nufuzini oshirish va musobaqa g'oliblarini munosib rag'batlantirish tizimini tubdan takomillashtirish nazarda tutilgan. Jismoniy tarbiya va davlat boshqaruv sohasida davlat boshqaruv tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi PF-5368-sonli farmoniga binoan quyidagilar tashkil etildi: Jismoniy tarbiya va sport vazirligi, vazirlik huzurida jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish jamg'armasi, jismoniy tarbiya va sport boshqarmalari va bo'limlari, jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni ilmiy metodik ta'minlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish markazi hamda uning filiallari, O'zbekiston davlat jismoniy tarbiya va sport universiteti, sport erkin iqtisodiy zona. Shu bilan birga, O'zbekiston Respublikasida xizmat ko'rsatgan jismoniy tarbiya va sport xodimi faxriy unvoni ta'sis etildi. 2019-2023 yillarda O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida qarorida quyidagi masalalarga e'tibor qaratildi.

Aholini barcha qatlamlari va yoshlarni jismoniy tarbiya va ommaviy sport bilan keng qamrab olishni ta'minlaydigan innovatsion shakl va mexanizmlarni ishlab chiqish hamda joriy etish; ilg'or jahon tajribasi asosida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirishni ilmiy-metodik ta'minotini shakllantirish; yangicha firklaydigan murabbiy kadrlarni tanlash va tayyorlashni tashkil etish; innovatsion firklaydigan boshqaruv kadrlarni va tayyorlash tanlashni tashkil etish; sport tibbiyotini takomillashtirish sog'lom turmush tarzi va sog'lom ovqatlanishni targ'ib qilish chora-tadbirlarini ishlab chiqish va amalga oshirish; seleksiya va seleksioner murabbiylar faoliyatini qo'llab-quvvatlash chora-tadbirlarini kuchaytirish yo'li bilan iste'dodli sportchilarni tanlash; jismoniy tarbiya va ommaviy sportni, sog'lom turmush tarzini ommalashtirish jarayonida yuqori darajali axborotlashtirishda multimedia mahsulotlaridan keng foydalanish va boshqalar orqali jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish.

Yuqoridagilardan xulosa o'rnida aytish mumkinki, jismoniy tarbiya va sportga qaratilayotgan e'tiborni zahirida jismoniy tarbiya va sportni ommalashtirish orqali jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish hamda sog'lom turmush tarziga erishish ekanligini kuzatish mumkin.

### **Foydalangan adabiyotlar**

1. 2015 yil 4 sentyabrda “O'zbekiston Respublikasining jismoniy tarbiya va sport to'g'risida”gi qonun (yangi tahriri).
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 3 iyundagi “Jismoniy tarbiya va ommaviy sportni yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi PQ-3031-son qarori.
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning 2018 yil 5 martdagi «Jismoniy tarbiya va sport sohasida davlat boshqaruvi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida»gi farmoni.



## MARKAZIY OSIYOGA TASAVVUF TA'LIMOTINING VUJUDGA KELISHI VA TARQALISHI

Anvarjonov Avazbek Quدراتilla o'g'li

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi 1-kurs magistranti  
Tel: +99897-707-63-97

**ANNOTATSIYA:** Tasavvuf ta'limotining vujudga kelish sabablari, ilk tasavvuf vakillari, Markaziy Osiyoga kirib kelishi va uning yoyilishi haqida ma'lumot beradi.

**Kalit so'zlar:** Islom, shariat, tariqat, so'fiy, so'fiylik, Qur'oni Karim

VII asrda Arabiston yarimorolida vujudga kelib, tez orada Osiyo, Afrika va Anvarjonov Avazbek Quدراتilla o'g'li O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi 1-kurs magistranti Yevropaning ko'plab o'lkalariga yoyilgan islom dini ushbu mintaqalar xalqlariga nafaqat yangi e'tiqod shakli, balki yangicha turmush tarzi, yangicha ijtimoiy va insoniy munosabatlar bilan birgalikda o'ziga xos axloq va xatti-harakat mezonlariga ega bo'lgan yangicha insoniylik namunalarini ham taqdim etdi. Islom ta'limoti doirasida shakllangan shunday insoniylik namunalaridan biri, bir tomondan, o'zligini moddiy dunyo ne'matlari, lazatlari va hoyu havaslaridan ustun qo'yish, ikkinchidan, o'z «men»ini barcha narsadan past tutish va oxir-oqibat yo'qotishga urinish so'fiylikdir. Keyinchalik birmuncha falsafiyashtirilgan tarzda «komil inson» shaklida tizimlashtirilgan ushbu namuna islom diniga e'tiqod qiluvchi kishilar jamiyati uchun ideal shaxs maqomini egalladi<sup>1</sup>. Chunki banda (qul) maqomidagi insonga o'z yaratguvchisi va egasi Allohga bandalikni (qullikni) ado etish, ya'ni unga xizmat (ibodat) qilish orqali bu dunyo va u dunyo saodatiga erishishni targ'ib qiladigan, shu tariqa go'zal axloq va ezgu fazilatlarga ega bo'lgan, halol mehnat orqali tirikchilik qiluvchi kishilarni tarbiyalaydigan islomda bandaning Allohga bo'lgan muhabbati barcha inson uchun o'rnak bo'lishi tabiiy edi. Darvoqe, islomda so'fiy deb Allohdan boshqa barcha narsalardan ko'ngil uzib, faqatgina Unga ko'ngil bog'lagan. Uni sevgan va muayyan bosqichlarni – maqomlarni bosib o'tib, pirovardida ruhan Haqqa yetishish va U bilan qo'shilib ketishni, bu yo'lda barcha yomon va noma'qul xususiyatlardan poklanib, axloqiy va ma'naviy yetuklikka ega bo'lgan insonga aylanishni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan kishiga aytiladi<sup>2</sup>.

So'fiylar tasavvufning islom shariatiga asoslanganligiga urg'u berib, so'fiylik yo'lidan oldin shariat bosqichi bosib o'tilishini ta'kidlab kelishgan. Tasavvuf tadqiqotchilaridan bo'lgan o'zbek olimi akademik Akmal Saidov tasavvufga «Islom shiati talablarini ham ixlos bilan bajargan holda zuhd, taqvo, kamtarlik kabi olijanob fazilatlarni o'zida mujassam etib, nafsni poklash yo'li bilan komil inson darajasiga erishishga harakat qilish»<sup>3</sup> deb ta'rif berarkan, shariat va tariqat nisbati to'g'risida «shariat islomning zohiri bo'lsa, tasavvuf uning botiniy ehtiyojlarini ifodalaydi»<sup>4</sup> deydi.

Tadqiqotchilar tomonidan tasavvufning vujudga kelish sabablari to'g'risida ham turli qarashlar bildirilgan bo'lib, mazkur sabablar orasida quyidagilarni alohida ajratib ko'rsatish mumkin:

**1. Diniy sabablar.** Tasavvuf islom dini doirasidagi hodisa sifatida, birinchi navbatda, islom ta'limoti, jumladan, Qur'on oyatlari va hadislarga tayangan holda vujudga kelgan ta'limotdir. Tadqiqotchilarning aniqlashicha, Allohning barcha joyda hoziru nozir ekanligi, Uning o'z bandalariga yaqinligi hamda ularni eslashi va sevishi barobarida bandalarini ham Uni eslashlari, sevishlari va undan rozi bo'lishga, shuningdek, nafsqa qarshi kurashish orqali ezgu xislatlarga ega inson bo'lishga chorlashi to'g'risidagi, shuningdek, boshqa ko'plab oyat va hadislar islomning ilk davrlaridagi taqvodor kishilardan ma'lum qismi orasida bugun so'fiylik deb atalayotgan harakatning vujudga kelishiga sabab bo'lgan. Jumladan, so'fiylar Qur'oni karimning «Baqara» surasidagi 115-oyatning «... qaysi tarafga yuzingizni qaratsangiz, o'sha tomonda Allohning «yuzi» mavjuddir»<sup>5</sup> qismiga asoslangan holda Allohning barcha joyda hozir ekanligi, mazkur suradagi 186-oyatning «Sizdan [ey Muhammad!] bandalarim Mening haqimda so'rasalar,

1 Komilov N. Tasavvuf. - B.130.

2 Qarang: Abu Nasr as-Sarroj at-Tusiy. Al-Luma' (arab tilida) / Tahrir, so'zboshi va ilovalar muallifi Abdulhalim Mahmud va Toho Abdulboqiy. – Misr: Dor ul-kutub al-hadisa: Bag'dod: Maktabat al-Musanno, 1380/1960 .

3 Saidov A. Hazrat Zangiota. – Toshkent: Sharq. 2015. – B.248.

4 Saidov A. Hazrat Zangi ota. – B.252.

5 Qur'oni karim. Baqara surasi, 115-oyat Abdulaziz Mansur. Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2012 (Qur'oni karimdan keltiriladigan boshqa oyatlar ma'nolari tarjimasini ham shu manba asosida beriladi).



[ayting] Men ularga yaqinman. Menga iltijo qiluvchining duosini ijobat eturman»<sup>1</sup> qismi, «Qof» surasidagi 16-oyatning «Biz unga bo‘yin tomiridan ham yaqinroqdirmiz»<sup>2</sup> qismi hamda «Kim menga bir qarich yaqinlashsa, Men unga bir arshin yaqinlashurman. Kim Men tomon bir arshin yaqinlashsa, Men unga bir quloch yaqinlashurman. Kim men tomon yurib kelsa, men u tomon yugurib borurman»<sup>3</sup> degan hadisi qudsiydan chiqqan holda esa Uning o‘z bandalariga yaqin ekanligini chuqur his etib, doimo o‘y-xayol va diqqat-e‘tiborlarini Unga qaratishga, buyurgan, va qaytarganlariga to‘la rioya qilish orqali Unga yaqinlashishga intilishgan. Alloh taolo «Baqara» surasining 152-oyatida o‘z bandalariga qarata: «**Bas, meni yod etingiz, [Men ham] sizlarni yod eturman**»<sup>4</sup>, - deya buyurishi so‘fiylarni doimo Allohning yodi bilan bo‘lishga ilxomlantirgan bo‘lsa, «Moida» surasining quyidagi oyati so‘fiylarning Allohga bo‘lgan muhabbati uchun asos bo‘lib xizmat qilgan: «**Ey imon keltirganlar! Sizlardan kimki dinidan qaytsa, Alloh shunday bir qavmni keltirurki, ularni Alloh sevadigan va ular ham Uni sevadigan, mo‘minlarga [nisbatan] kamtar, kofirlardan esa [o‘zlarini] yuqori tutuvchi, Allohning [toati] yo‘lida jiddu jahd qiluvchi, malomatchining malomatidan qo‘rqmaydigan bo‘lurlar**»<sup>5</sup>.

Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf tasavvuf tushunchasi Qur‘onda tazkiya (poklash), hadisda esa ehson (yaxshilik qilish) so‘zi bilan anglatilganligini aytarkan, Muhammad (s. a. v.) ning ehson to‘g‘risida: «Ehson - Allohga xuddi Uni ko‘rib turgandek, agar sen Uni ko‘rmasang, U seni ko‘rib turgandek ibodat qilmog‘ingdir», - deb aytganlarini eslatadi<sup>6</sup>.

**2. Ijtimoiy-iqtisodiy sabablar.** Arab xalifaligi tomonidan olib borilgan yurishlar natijasida ko‘plab o‘lkalarning fath etilishi bilan o‘ljalar va soliqlar ko‘rinishidagi daromadlarning oshishi musulmon jamiyati a‘zolaridan bir qismining boyib ketishiga olib keldi. Bu esa, bir tomondan, musulmonlar jamiyatida mol-dunyo va boylikka berilish kayfiyatining kuchayishiga, ikkinchi tomondan, ijtimoiy tabaqalar o‘rtasidagi jarlikning kengayishiga va ijtimoiy ziddiyatlarning keskinlashishiga sabab bo‘ldi. Natijada taqvodor kishilarning mol-dunyoga berilishga qarshi norozilik kayfiyatlari uchinchi xalifa Usmon (r. a.) davridan boshlanib, umaviylar xalifaligi davrida kuchayib ketdi. O‘zbek tasavvufshunos olimi Najmiddin Komilov shundan yozadi: «... xalifa Usmon raziyallohu anhu zamonida boylikka ruju qo‘yish, qimmatbaho tuhfalar bilan qarindosh-urug‘lar, yaqin do‘st-birodarlarni siylash rasm bo‘ladi. Umaviylar xalifaligi davriga kelib esa saroy hashamlari, dabdabali bezaklar, oltin-kumushga berilish, xazina to‘plash avj oldi. Ya‘ni diniy mashg‘ulotlar, Alloh yo‘lidagi toat-ibodat o‘rnini dunyoviy ishlar, dunyo moliga muhabbat egallay boshladi. Bu hol diniy amrlarni ado etishni har qanday dunyoviy ishlar, boyliklardan ustun qo‘ygan e‘tiqodli kishilarning noroziligiga sabab bo‘ldi»<sup>7</sup>.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Komilov N. Tasavvuf. - B.130.
2. Abu Nasr as-Sarroj at-Tusiy. Al-Luma‘ (arab tilida) / Tahrir, so‘zboshi va ilovalar muallifi Abdulhalim Mahmud va Toho Abdulboqiy. – Misr: Dor ul-kutub al-hadisa: Bag‘dod: Maktabat al-Musanno, 1380/1960
3. Saidov A. Hazrat Zangiota. – Toshkent: Sharq. 2015. – B.248.
4. Saidov A. Hazrat Zangi ota. – B.252.
5. Qur‘oni karim. Baqara surasi, 115-oyat Abdulaziz Mansur. Qur‘oni karim ma‘nolarining tarjima va tafsiri. – Toshkent: Toshkent islom universiteti, 2012 (Qur‘oni karimdan keltiriladigan boshqa oyatlar ma‘nolari tarjimasi ham shu manba asosida beriladi).
6. Qur‘oni karim. Baqara surasi, 186-oyat.
7. Qur‘oni karim. Qof surasi, 16-oyat.
8. Muslim va Termiziy Abu Zarr al-G‘iforiy (r.a.)dan naql qilgan holda rivoyat qilishgan.

1 Qur‘oni karim. Baqara surasi, 186-oyat.

2 Qur‘oni karim. Qof surasi, 16-oyat.

3 Muslim va Termiziy Abu Zarr al-G‘iforiy (r.a.)dan naql qilgan holda rivoyat qilishgan.

4 Qur‘oni karim. Baqara surasi, 152-oyat.

5 Qur‘oni karim. Moida surasi, 54-oyat.

6 Shayx Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. Tasavvuf haqida tasavvur. - B.37 - 63.

7 Komilov N. Tasavvuf. – B. 9.

# ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович

**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович

**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.05.2022

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000